Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 7 октябрь, пайшанба № 182—183 (21.534). Сотувда эркин нархда.

ТЎҒРИ ЙЎЛ ТАНЛАШ САОДАТИ

Ёдингизда бўлса, бир неча йил аввал Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хусусида гап кетганда, энг дадил ва ҳур фикрли ватандошларимиз чуқур тин олиб, қанийди, бизнинг Ўзбекистон ҳам Украина ёки Белоруссия қатори шу ташкилотга аъзо бўлса, дея орзу қиларди. Ва бу орзуимиз салкам шаккоклик билан баробар эди. Собиқ СССР таркибидан Россиядан бошқа яна иккита славян жумҳуриятига БМТ га аъзолик ҳуқуқи берилган, аммо бу ҳуқуқ жуда заиф эди: «катта оға» нима деса, «ини»лар ҳам шуни маъқуллаб бош ирғарди, холос. Эътироф этмоқ керакки, ўшал шаккок орзуимиз СССР давлати харитасини ўзгартириш ниятидан мустасно эди.

Замон кескин ўзгариб, дунёда яна ўн бешта мустақил давлат юзага келди ва уларнинг миллий байроқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги муҳташам иморати олдига тикилди. Урф-одатлари, анъаналари, умуман, фикр ва идрок тарзи турлича бўлиб, ягона иттифоқ таркибида, ягона изнга бўйсуниб яшаган халқлар истиқлолга эришгач, ҳар бири мустақил та[illegible]да ўзи хоҳлаган йўл ва йўсинларни танлаш имконига эга бўлди. Бу — ғоят катта бахт. Тўғри йўл танлаш эса — ундан-да ортиқроқ саодатдир.

Собиқ СССР жумҳуриятлари озодликнинг илк дамларидан бошлаб эркин бозор муносабатларига мойилликларини ошкор этдилар. Бу тушунча СССР парчаланган пайтдаёқ биз учун янгилик эмасди. Аксинча, Горбачёвча «қайта қуриш» даврининг ғоят чучмал орзулар ва ипирисқи ислоҳотлардан иборат мафкураси томонидан онгимизга роса тиқиштирилган эди. Аммо «қайта қуриш» муаллифлари кўпроқ гап билан овора бўлиб, амалий ҳаракат дастурини мутлақо ёддан чиқариб юборганлари тез орада маълум бўлди. Эркин бозор ғояларига садоқат изҳор этиш билангина иш битмаслиги ҳам тез орада ойдинлашди. Мустақил давлатларнинг ҳар бири ўзича йўл ахтарди. Баъзи жумҳуриятлар ўзларининг жуғрофий жиҳатдан Оврупога мансуб эканига ортиқча мафтун ва масрур бўлиб, ўтиш даври қалтисликларини унутиб, оврупоча «Шок терапияси» — «Карахт этиб даволаш» йўлини тутдиларки, аҳолининг кўпчилик қисми ғоят ночор аҳволга тушиб, боз устига юрт эгалари орасида ола чиқиб, ўзаро тўқнашувлар юз бериб, воқеаларнинг охирию оқибати не бўларини билмай турибдилар.

Иккинчи хил давлатлар бир «катта оға»дан қутулишга улгурмай туриб, яна бошқа «катта оға» чангалига тушиб қолдилар. Етмиш тўрт йил даҳрийлик руҳида тарбияланган жамият тепасига эшону муллалар чиқди, қаттиқ сиёсий танглик туғилди, қон тўкилди, хотинлар — бева, болалар етим қолдилар. Энг ёмони — иқтисод ҳориди, ҳолдан тойди, моддий ривож даражаси неча ўн йиллар орқага кетди.

Яна бир давлатда салтанат изми гапдон олимлар қўлига тушди, идора усуллари деган нарса яралганига пушаймон бўлди, бугун эса, юрт оғалари иқтисодиётнинг синиқ қорсонини олдиларига қўйиб, уммонлар ортидан маслаҳату садақалар кутмоқдалар.

Боз бир давлатлар бўлдики, салтанат бошлиқлари неча бор алмашиб, яна эски тўралар жиловни қўлга олдилар. Бу ерда ҳам манзара жуда аянчли, жамият парчаланган, мамлакат аҳли бир эмас, гуруҳларнинг гоҳ буниси, гоҳ униси майдонга чиқиб, гардкам деб ошиқ ўйнаш билан овора.

Хуллас, ҳар бир давлат ўз ҳокимияти танлаган йўлдан бориб, ўз ҳокимияти дуч келтирган омад ёки омадсизлик таъмини татиб кўрмоқда. Ўзбекистон танлаган йўл муҳтарам ўқувчига жуда яхши аён. Бу йўл — ортиқча ҳовлиқмасдан, ортиқча кибрга берилмасдан, қадам-бақадам, элу юртнинг урф-одати ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, халқни ўта зор қилиб қўймасдан бозор муносабатларига ўтиш. Бу йўлни ҳам жуда текис ва равон деб бўлмайди. Унинг-да ўзига яраша азоблари йўқ эмас. Унинг-да хатолари бўлади. Беайб — Парвардигор, деган ибора бор. Инсон ҳар қанча фозил ва одил бўлмасин, хато қилиши табиий. Муҳими — бу хатоларни тезда англаш ва янада тезроқ суръатлар билан тузатиш. Ҳар ҳолда, атроф тевараклни кузатиб, салтанат жилови уқувли ва маълум даражада қаттиққўл сиёсатчилар қўлида бўлгани маъқул, деган инсонлар адади кун сайин ошиб бораётганига ҳеч ким шак келтиролмайди. Меҳнат ва интизом тушунчалари, гарчи улар «қайта қуриш» ва «оммавий демократия» даврларида қарийб кун тартибидан тушиб қолай деган бўлса-да, бугун яна тирикчиликнинг асоси бўлмиш иқтисодиётда ўз ўрнини топмоқда. Натижаси ҳам ёмон эмас. Фабрикалар ишлаяпти, зовутлар ишлаяпти, олий ўқув юртлари ва мактаблар очиқ, кексалару серфарзанд оилалар нафақасини оляпти, ногиронлар ҳам четга суриб қўйилгани ёки кўчадаги ахлат қутиларини титкилаб юргани йўқ. Гарчи бу гаплар ҳозирги сиёсатни тоталитаризмда айблаб қичқираётган биродарларимизга ёқмаса ҳам, ожиз ақлимиз билан бугунги биз кўраётган қийинчиликлар ўша бизни ёқтирмайдиган биродарларимиз дучор этиши мумкин бўлган «ҳадя»лар олдида ҳолва эканини тушуниб турибмиз. Айтмоқчимизки, давлат аробаси шу қадар оғирки, уни

(Давоми иккинчи бетда).

СУРАТДА: Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий билан учрашувидан лавҳа. (ЎзА).

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

ОБУНА—94

УНИНГ БИР ЙИЛЛИК НАРХИ— 20 МИНГ 400 СЎМ.

ОЛТИ ОЙГА — 10 МИНГ 200 СЎМ.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот ҳўжалиги»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64583

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш | баҳоси | сўм | обуна сони | баҳоси | сўм

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари)

• Истиқлол—эл иқболи

Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, «Мустақиллик бизга нима берди, дунё меҳваридаги ўрнимиз, мавқеимиз, нуфузимиз қандай!» деган саволларни бериш ва шулар хусусида чуқурроқ фикр юритиши керак. Дарҳақиқат, тарихан қисқа вақт ичида нимага эришдик! Шуни дадил айта оламанки, ўз ҳуқуқимиз, тақдиримизни ўзимиз белгилайдиган бўлдик, ўз миллий тарихимиз саҳифаларини очяпмиз.

Бугунги кунда туманимизда рўй бераётган ўзгаришларни халқимиз азалдан орзу қилар эди. Айниқса, хорижий мамлакатлар технологияси асосида саноатни ривожлантириш, қўшма корхоналар қуришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айни пайтда дон маҳсулотлари комбинати Италия линиясида бир кеча-кундузда қирқ тонна аъло навли «Спаггет» макаронлари ишлаб чиқармоқда. Маълумки, туманимиз ширин-шакар мевалар, айниқса қирмизи анори билан жаҳонга машҳурдир. Консерва заводида шифобахш, соф анор шарбати тайёрлаш муаммосини ҳал этдик. Заводда Италия линияси ўрнатилди. Италиялик мутахассислар ишни юргизиш, ишчи кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилишди. Йилига 900 мингта шартли банка анор шарбати тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётир.

Бундан икки-уч йил муқаддам ягона консерва заводи фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир жамоа хўжаликларида катта қувват ва илғор технологияга эга бўлган тўққизта консерва заводи ишлаб турибди. «Гулистон», «Ҳақиқат», И. Раҳматов номли, «Бўстон», Улуғбек номли жамоа хўжаликлари, туман матлубот жамияти ҳамкорлигида қурилиб, ишга туширилган консерва заводларида тайёрланаётган маҳсулотлар айниқса харидоргир бўлаётир. Муҳими шундаки, консерва заводлари фаолият кўрсатгач 1,5 мингга яқин ёшлар иш билан таъминланди. Жамоа хўжаликларида кичик корхоналар ташкил этиш, улар фаолиятини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу йил «Гулистон» жамоа хўжалигида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган завод қурилиб, ишга туширилди. Завод кунига ўртача уч минг килограмм пахта ёғи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, аҳолининг бу маҳсулотга бўлган талабини қондиради.

Азалий анъана ва меъморчилигимизга хос қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. 66,5 километр масофада газ қувурлари тортилиб, шу кунгача 2400 хонадонга «зангори олов» олиб кирилди.

Туманда йирик саноат корхоналари қурилишини тезроқ ниҳоясига етказиш учун ҳаракат қизитиб юборилган. Асосий эътибор чет эллар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар қуришга қаратилган. Марказий Осиёда йирик ҳисобланган қандолатчилик фабрикаси ишга туширилмоқда. Германиянинг «Кеекнер Ханзел» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган бу йирик иншоот қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ягона ҳисобланади.

Ўзаро келишувга мувофиқ «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги ҳудудида Туркиянинг «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда тўқимачилик фабрикаси қурилишини шу йил баҳорида бошлагандик. Умумий қиймати ҳозирча 2,5 миллиард сўм турадиган бу йирик иншоотни тўққиз ойда ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Қуваликлар бу йил мустақил Ўзбекистон хирмонига 32 минг 700 тонна «оқ олтин» топширишга сўз берган. Улар ҳамиша ваъдага вафо қилиб келишган. Халқимизнинг жипслиги, аҳил ва иноқлиги, мақсадлар муштараклиги Ўзбекистоннинг буюк келажагига мустаҳкам замин яратади, деб ўйлайман.

Муҳаммаджон НОСИРОВ,
Қува тумани ҳокими.

ОРЗУЛАР УШАЛМОҚДА

янгиликлар Воқеалар хабарлар

ОНА ВАТАН КЕЧА БУГУН ЭРТАГА



● Дўстона муносабатлар

ЭЛЧИХОНАДА БАЙРАМ

Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси немислар бирлашуви куни муносабати билан қабул уюштирди. Байрам тадбирига Ўзбекистон вазирликлари, ташкилотлари вакиллари, хорижий давлатларнинг республикамиздаги элчихоналари ходимларн таклиф этилди.

— Узоқ йиллар давомида девор билан ажратилган икки герман давлатининг бирлашуви халқимиз ҳаётидаги улуғ воқеалардан биридир, — дейди Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна. — Бугунги байрамни биз билан бирга нишонлаётан ўзбек халқини ўзимизнинг ишончли ҳамкоримиз ва дўстимиз деб биламиз. Байрам муносабати билан немис халқи, хусусан элчихона ходимларини республика раҳбарияти номидан Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ў. Сўлтонов табриклади. Маросимда шунингдек, республика Президентининг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков иштирок этди.

● Терим мавсуми

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТ

Наманган вилоят ҳокимлиги билан касаба уюшмалари вилоят кенгаши раёсати танлов эълон қилди.

Танлов шартига кўра бу йилги терим мавсумида вилоятнинг 33 нафар энг яхши теримчисига мукофот бериладиган бўлди. Ғолибларга машҳур теримчи Тожихон Асқарова номидаги мукофот топириладиган мазкур танловни анъанага айлантириш мўлжалланган.

● Қўшма корхоналар

ЙИЛИГА 5 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Ғаллаороллдаги Маржонбулоқ конининг қимматбаҳо рангли металлари йиллар мобайнида собиқ Иттифоқ эҳтиёжи учун ишлатиб келингани маълум.

Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган чиқитлар уюмининг ўзи бир бойлик. АҚШ ишбилармонлари ана шу чиқитдан маҳсулот тайёрлашда ҳамкорлик қилиш ниятини билдиришди. Ҳозир Маржонбулоқ кони қошида «Маржон» қўшма корхонаси бунёд этилмоқда. Корхона фойдаланишга топширилгач, йилига 5 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

● Халқаро мусобақа

МУСТАҚИЛЛИК СОВРИНИ

Ўтган куни Тошкентдаги «Алпомиш» спорт саройи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Бу ерда «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» учун халқаро мусобақа тантанали суратда очилди.



Байрамона безатилган спорт саройига минглаб ишқибозлар ташриф буюришди. Улкан залнинг ўртасига ўрнатилган ринг атрофига мусобақа иштирокчилари саф тортдилар. Йиғилганларни халқаро мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев табриклаб, боксчиларга муваффақиятлар тилади. Шундан кейин жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги»ни баланд кўтариб кириб келди. Биллур соврин жилваланиб, боксчиларда умидбахшлик уйғотди. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи гимн садолари остида кўтарилди. Карнай-сурнайлар чалиниб, олтин куз саховати — ноз-неъмат тўла лаганлар меҳмонларга инъом этилди. Чарм қўлқоп усталарининг дастлабки учрашувлари эса муросасиз баҳсларга айланди.

(Мухбирлар ва ЎзА хабарлари ҳамда хатлар асосида тайёрланди).

янгиликлар Воқеалар хабарлар

ТЎҒРИ ЙЎЛ ТАНЛАШ САОДАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Президентимиз Ислом Каримов Нью-Йоркка қилган сафари чоғида америкалик ватандошлар билан ҳам учрашди. СУРАТДА: учрашув пайти. (ЎзА).

ҳар қандай азамат ҳам тортиши қийин. Ширин-шакар ваъдалар қорин тўйдирмайди. Қуруқ баёнотларнинг ҳам умри кўпга чўзилмайди.

Инсон зоти шуҳратга ўчроқ келади. Раҳбарлик дабдабаси ҳавас қўзғаши табиий. Аммо ундан фақат фароғат кутганлар хато қилади. Каттаю-кичик азоблари ҳам бор унинг. Мансаб дабдабаси бошқаю, раҳбар обрўси бошқа. Обрўни иш билан қозониш керак, яъники, юксак мансаб ва обрў ўртасида иқтисодиёт аталмиш бир нарса борки, сизни танлаган, сайлаган халқнинг кўнглини олишда яғона калит бўлиб хизмат этади. Ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам барча дарвозалар аслида шу иқтисодиёт деб аталмиш калит билан очилади. Эли тўқ юрт фуқаросининг кўнгли ҳам тўқ бўлади. Эли тўқ юртнинг чегараси ҳам маҳкам бўлади. Эли тўқ юртнинг аҳди қатъий бўлади, сўзи тарозу босади.

Бугунги Ўзбекистон сиёсати ана шу омилларга асосланган. Мавжуд қийинчиликларни бир ёки икки йилда бартараф этиш қийин, албатта. Аммо бартараф этишга ишонч бор. Бартараф этишнинг аниқ-тиниқ дастури бор.

Президент Ислом Каримов сиёсати ҳақида гап кетаркан, қуруқ мақтовни четга суриб, бу сиёсатнинг изчиллик даражаси хусусида сўзлаган маъқул. Эслаб қарасак, у дастлабки кезларданоқ бозор муносабатларининг мураккаблиги борасида сўз юритди ва очиқ-ойдин қилиб бир ярим аср мобайнида муте яшаган ва коммунистик дориломонлик ҳақидаги чўпчак онгига обдон сингдирилган мамлакатнинг бу янгича муносабатларига ўтиши оғир кечишидан эл-улусни огоҳ этди. «Шок терапияси»ни бирданига рад қилди. Фуқаро маишатига эътиборни кучайтирди. Давлат қонунчилик тизимини, давлат хавфсизлигини ва ички ҳуқуқ-тартибот тизимларини мустаҳкамлади. Шу ўринда «посткоммунистик» тузум хусусида сўзлашни ёқтирадиган биродарларимиз миллий хавфсизлик органлари фаолияти ҳали собиқ СССР таркибида экан чоғиримиздаёқ жумҳуриятнинг ўз измига олинганини эслаб кўрсалар зиён қилмасди.

Гарчи такрор бўлиб туюлса-да, ҳокимият энг тепадан то қуйи бўғинларга қадар ягона раҳбарлик қўлида жам этилганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Яъники, шу тариқа маҳаллий кенгашлар ва маҳаллий ҳокимият ўртасида бўлиши муқаррар зиддиятнинг, янада очиқроғи, бугун Россия мисолида кўриб турганимиз ҳалокатли манзаранинг олди олинди. Бундан ташқари, ҳуқуқ-тартибот идоралари маҳаллий ҳокимият изми ва изнидан чиқарилиб, тегишли олий даражадаги идоралар назоратига берилди.

Маълумки, ўз вақтида собиқ марказ матбуоти ҳуқуқий органлар ислоҳоти хусусида турли учирма гапларни роса урчитди. Аммо юртимизда бу хил киноялларга ҳеч ким парво қилмади. Аксинча, жиноятчилик даражаси пасайди. Айниқса, юрт бошига чиқиб олишга сал қолган махфия гуруҳлари писиб қолганидан мамнун бўлдик. Эслаб кўринг: сал фурсат олдин айрим ватандошларимиз адолатни рўкач этиб, бандалар устидан ҳукм чиқармоқ ва ҳатто кўзларига ёмон кўринган кишиларни сазойи қилмоқ йўлига ҳам ўтдилар. Айрим масжидлардан азон ўрнига сиёсий даъватлар кўпроқ тарала бошлади. Тақвою ибодат четда қолиб, қозилик даъвоси авж олди. Ён давлатлардан ташвиқотчи вакиллар ҳуфёна «ташриф буюриб», исломий салтанат фазилатлари хусусида воизлик ҳам қилдилар. Ҳаттоки айрим катта иморатларни ишғол этиб, ҳукматга зуғум ўтказмоқ йўлини тутдилар.

Сал ўтиб ақидапарастлар жилови тортилганида баъзи ватандошларимиз «дини исломга таҳдид етмоқда» дея айюҳаннос солдилар. Осмон узилиб ерга тушгани йўқ. Ҳеч ким диндан ҳам қайтмади. Билъакс, Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги ҳукумат қарори билан нишонланди, мусулмон дунёсининг казо-казолари азиз меҳмонимиз бўлдилар. Бу тарафи — Имом Бухорийга бағишланган янги тантаналар. Хуллас, динга ва дин аҳлига эътибор кучайиб бормоқда. Асл шарт ҳам унутилган эмас — дин сиёсатга аралашмасин... Бу шартда дағдаға йўқ. Огоҳ этиш бор, холос. Акс ҳолда не бўлишини қардош Тожикистон мисолида кўриб турибмиз.

Дарвоқе, ислом ақидапарастлиги хавфи хусусида Ислом Каримов жуда кўп гапирган эди. Баъзида мухолифлар у ёқда турсин, биз — Президент тарафдорлари ҳам, бу хавфни давлатимиз бошлиғи ўта бўрттириб юбормадимикан, деган гумонларга борган пайтларимиз бўлган.

Яна бир сифати шуки, Ислом Каримов ашаддий демократ ролини ўйнамади. Иқтисодиёт илмидан яхши хабардор одамнинг бу хил ролга кириши қийин. Ваъдаларни қоп-қоп қилиб уйиб ташлаш мумкин. Лекин эртага сўзнинг устидан чиқиш ҳам керак, акс ҳолда... Яна ўша гап — акс ҳолда нелар бўларини жонли мисолларда билиб-кўриб турибмиз.

Айрим ширинзабон олимларимиз хушомад асносида оҳорини кетказишга уринаётган принциплар, яъники машҳур беш тамойил ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Бу тамойиллар машаққатли меҳнат ва хато-камчиликларни англаш ҳамда тан олиб бориш жараёнида туғилди ва умумий сиёсатга асос этиб олинди. Йўналиши аниқ эрса-да, манзилий тафсилотлари мубҳам бўлган йўлда улар бизга анча қўл келди. Суръат ҳали пастроқ, аммо кўпчиликнинг фикри Каримов тамойиллари тарафига жадал оғишгани ва маҳаллий бюрократия қаршилиги синиши баробар суръатнинг ҳам жадаллашуви аён бўлиб қолди.

Ислом Каримов сиёсатининг изчиллиги шундан ҳам билинадики, у керакли гапларни, дейлик, ўша машҳур тамойилларни мингмаротабалаб такрор этишдан чарчамайди. Президент ўз тамойилларини бир неча кун олдин БМТнинг юксак минбарига ҳам олиб чиқди. Аксарият ғарблик иқтисодчиларга антиқа туюладиган фикрини, яъники эркин бозорга ўтиш даврида давлатнинг асосий ислоҳотчи сифатида чиқишини яна бир марта баён этди. Узоқ бир мамлакатда, демократия ва эркин бозор асрлар давомида қарор топган жойда бу сўзлар ҳеч кимни ажаблантирмади. Сабаби шуки, Президент ўз нутқида мамлакатнинг иқтисодий ҳолати, урф-одати, ҳулқу-табиатини тушунтириб берди, салкам ярим аҳолисини норасида болалар ва яна бир қанча фоиз нуфусини кексалар ва серфарзанд оилалар ташкил этадиган юртда ўзгача сиёсатнинг натижаси яккаш фалокат бўларини лўнда қилиб англатди.

Биз деярли ҳар куни эшитиб-билиб юрадиган, қулоғимиз ўрганиб қолган ҳақиқатлар жаҳон минбаридан туриб айтилганида чўнгроқ маъно ва янгича оҳор касб этди.

БМТ минбарига илк бора чиққан давлат бошлиқлари одатда ўз мамлакатлари ҳақида маълумот бериб, мана, бизлар ҳам дунё юзини кўрдик, бу ёғига бизга ҳам тузукроқ эътибор берилса ёмон бўлмасди, деган мазмунда сўз юритадилар. Ислом Каримов эса ўзининг қайсар феълига бу гал ҳам содиқ қолди — умумий тақдимнома руҳидан воз кечиб, дадиллик билан, бугунги лаҳжада айтадиган бўлсак, масала қўйди. Ҳаттоки, БМТ фаолиятини танқид ҳам қилди.

Каримов олға сурган масалалар Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати мазмунини ташкил этади. Нутқни кўпчилик телевизор орқали эшитди, матнини газетада ўқиди. Ортиқча таҳлилга ҳожат қолмаган эрсада, айрим нуқталарга алоҳида урғу бермоқ даркор.

Каримов БМТ фаолиятида ялпи адолат ва мустақиллик асосий мезон бўлиб қолишини талаб этди. Мазмуни шуки, барча давлатлар баробар, уларнинг иқтисодий ва маданий даражаси турлича бўлиши мумкин, аммо бу хил ранг-баранглик бир давлатнинг иккинчи давлатга тазйиқ қилмоғига, яъники сиёсий ва иқтисодий зуғум ўтказмоғига ҳуқуқ бермайди. Ҳар бир давлат ўз тақдирини ўзи белгилайди, уни ўз қолипига солиб олишга уринганлар хато қилади.

Каримов БМТ аксар ҳолларда шунчаки томошабин бўлиб қолаётганини яширмади. Халқаро можароларнинг иси милтиқдори ҳидидан олдинроқ чиқади. Сиёсий ва иқтисодий тангликлар бир кунда бошланиб, бир кунда барҳам топмайди. Биз дунёнинг қайси мамлакатида фуқаролар уруши бўлиши ва ёки қайси минтақада давлатлар орасида низо чиқиши эҳтимолини олдиндан сезамиз. Лекин дунё жамоатчилиги токи низо чиқмагунча амалий таъсир кўрсатолмайди. Низо чиққанда эса музокараларга зўр берилади, «мовий қалпоқлар» жўнатилади, миллиардлаб доллар миқдорида маблағлар сарф бўлади.

Қонли низоларнинг олдини ўз фурсатида олиш керак — Ўзбекистоннинг яна бир талаби шундай бўлди.

Ислом Каримов нутқининг тағин бир жиҳати шуки, у дунё жамоатчилигига Марказий Осиё минтақаси тутган ўрин ва унинг келажак ривожи қандай бўлиши мумкинлигини тушунтирди. Минтақадаги беш давлатнинг қайси йўл билан ривожланиши бошқаларни бефарқ қолдирмаслиги керак. Халқларимиз демократия ва эркин бозор йўлини танлагани рост. Лекин танловнинг ўзи билан иш битмайди. Четдан қилинаётган тазйиқ ва таҳдидлар жуда кўп. Уларнинг нечоғлик хавфли эканини Тожикистондаги қонли воқеалар кўрсатди. Ислом мутаассиблари хавфи — реал нарса. Тожикистон воқеалари бошқа мамлакатларда ҳам такрор этилса, қирғинбарот бўлиши ва бешта янги давлатнинг маърифатли тараққиёт сари йўли тўсилиб қолиши мумкин.

Бу ўринда ҳам ҳали айтиб ўтилган изчилликни кўрамиз. Тожикистон ҳақида, агар эътибор берган бўлсангиз, Ислом Каримов собиқ тожик раҳбарларидан ҳам кўпроқ гапирди ва ташвиш чекди. Икки марта БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга хат ёзди. Дунё диққатини тожик фожиасига жалб этишга муваффақ бўлди. Тожик қочқинларини қайтаришда амалий ёрдам берди. Натижа шу бўлдики, неча минглаб қочқин ўз давлати чегарасидан эмас, ўзбек чегараси орқали она юртига бехатар қайтиш имконига эга бўлди.

Тожикистондаги фожиалар ҳали тамом бўлгани йўқ. Чегарада ҳамон қон тўкилмоқда. БМТ ана шу муаммога эътибор қаратиши ва ижобий ечим топиши керак — бу яна бир талаб. Кўшимча тавсия шуки, БМТда Марказий Осиё хавфсизлиги масаласи билан шуғулланувчи доимий семинар ташкил этиш ва уни Тошкент шаҳрида ўтказиш керак.

Наркобизнесга ва халқаро террорчиликка қарши биргалашиб курашишда Ўзбекистоннинг ҳам ўз ўрни бор. Буни Президент алоҳида таъкид этмаган бўлса-да, мавзу асносида Термиз ва бошқа шаҳарларда қўлга туширилган ўнлаб тонна нашаю қорадорилар эсга тушади.

Оврўпага олиб кетилаётган наркотик моддаларнинг қарийб 70 фоизи Марказий Осиё минтақаси орқали ўтади. Минтақа давлатлари наркотик ташиш йўлини назорат этишга ва бутунлай тўсиб қўйишга ҳаракат қилмоқда. Лекин куч ҳали оз. Қолаверса, афюн азобини чекаётган мамлакатлар уларнинг ўзларигина эмас. Шу сабабли, наркобизнесга қарши курашиш мақсадида БМТнинг минтақавий комиссиясини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна бир муҳим масала — Орол фожеаси бўйича ҳам конкрет талаб қўйилди. Нукус шаҳрида БМТ ҳомийлигида халқаро конференция чақириш ва бу масалани ҳал қилишнинг амалий имкониятлари ва муддатларини муҳокама этиш зарур.

Президентнинг нутқи мажлис аҳлида қандай таассурот қолдирди, деган савол туғилиши табиий. Мажлис тугаб, ёндаги хосхонага ўтилган пайтда кўпчилик давлат бошлиқлари, БМТ раҳбарлари, вазирлар ва элчилар Ислом Каримовни табриклашди. Лекин, ўйлашимизча, энг катта баҳони Америкода яшаётган ватандошларимиз берди. Машиналар карвони БМТ ҳовлисидан чиқаётган кезда неча ўнлаб ўзбек дарвоза ёнида Президент тушган лимузинни ўраб олди. Ислом ака машинадан тушди, улар билан узоқ суҳбатлашди. Нуроний бир чол қўл очиб шукроналар айтдики, бундан зўрроқ баҳо бўлиши мумкин эмас:

«Худо бизни шу кунларга ҳам етказар экан!...»

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(ЎзА).

• *ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР*

«ИШЛАМАСАМ, БОШИМ ОҒРИЙДИ»

— Болам, жонкуярликда ҳам мақсад бўлсин. Масалан, гугурт. Аланга берадию, ўзням ёниб тугайди. Сен шундай қилгинки, жўшқинлигидан биров ҳам баҳра олсин, ўзинг ҳам.

(Қариялар ўгитидан)

Аслида бу таклиф ХДП Челак туман Кенгашининг биринчи котиби Абдурасул Бобобековдан чиқди.

— Битта зўр фаолимиз бор. Колхоз раиси. Мақтанишни ёмон кўрадию, аммо ишларини бир кўрсатсак, ёмон бўлмасди.

Абдурасул ҳақ чиқди. «Оққўрғон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, ХДП аъзоси Тошпўлат Эшмуродов киройи раҳбарлардан экан. Хўжаликни айлангач, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Челак Самарқанднинг шундоққина биқинида. Бироқ темирйўлдан, Катта ўзбек трактидан узоқлиги туфайли саноат корхоналари қуриш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади. Ҳатто Самарқанд билан дурустроқ телефон алоқаси ҳам ўрнатилмади. Шу боис бугунги кунда туманда ҳар бир объектнинг қуриб битказилиши чинакам байрам бўлаётир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Тошпўлат раисни ҳар куни бир мақтаса арзийди.

— Бир нарсани уддалай олмай, баҳона қидирган ҳамкасбларимни кўрсам титраб кетаман. Иқтисодий шароит оғир, деймизу аммо чинакам уринсанг, ҳар қандай ишни бажариш мумкин. Очиғи, мен кабинетда ўтиришни ёмон кўраман. Ишламасам, бошим оғрийди.

Энди хўжаликда қилинган бунёдкорлик ишларига бир назар ташлайлик. Ўтган бир ярим йил ичида саунали ҳаммом қурилди. 300 номерли телефон станцияси ўрнатилди. Магистрал газ қувури хўжалик марказигача тортиб келинди. Насиб этса йил охиригача қишлоқларнинг 80 фоизи газлаштирилади. 5 километр узунликдаги ички йўлларга асфальт ётқизилди.

Оққўрғон қишлоқ шифохонасида фитобар ташкил этилди, физиотерапия бўлими учун ускуна олиб берилди. Ёшлар учун дам олиш комплекси яратилди.

Йўқ, биз Тошпўлат раисни афсонавий Алпомиш демоқчи эмасмиз. У атрофдаги ишбилармон кишиларга таянади. Барча ишлар четдан ишчи кучи келтирилмасдан, қишлоқ аҳолисининг ўз кучи билан қилинмоқда. Битта ҳашар натижасида 14 гектарли боғ барпо этилди, 100 ўринли болалар боғчаси таъмирланди. Дарвоқе, боғчани хўжалик бепул озиқ-овқат билан таъминлаб турибди. Ҳаш-паш дегунча товуқчилик фермаси ҳам қуриб ташлашди. Қишлоқ марказидаги чойхона ҳам фойдаланишга топширилди.

— Мен аввал бошданоқ ХДП сиёсатини чин дилдан қўллаб-қувватлаганман. Шу боис бошланғич партия ташкилоти котиби Рўзиқул Меликулов ўнг қўлим ҳисобланади. Режаларимизни, мақсадимизни меҳнаткашлар ўртасида тушунтиришда у бошлиқ ХДП аъзолари менга катта ёрдам беришяпти. Ўз навбатида уларнинг ташаббус ва таклифларини ҳам қўллаб-қувватлайман.

— Тошпўлат раис Кенгашимизни молиявий жиҳатдан қўллаб турибди. Партия аъзолари ҳам хўжаликда 50 дан ортиқ. Яқинда Кенгаш ижроия бюросида раис партия аъзоси сифатида ҳисоб беради, — деди суҳбат охирида А. Бобобеков.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АЛЛАНАЗАРОВНИНГ НОРЛАРИ

Абдунаби Алланазаров ўзини оқламайдиган қолоқ хўжалик — Охунбобоев номли совхоз жамоа ширкат хўжалигига айлантирилгач, шу хўжалик кенгашига раис этиб сайланди.

Раис ишончни оқлаши керак эди. Ширкатчилар олдида катта вазифа турарди. Бу йил давлатга 2,5 минг тонна узум, 500 тонна мева, 250 тонна дон, 100 тонна гўшт, 475 тонна сут сотилиши зарур. Етарли миқдорда дон, боғларда мўлкўл узум етиштирилди. Халқ демократик партияси аъзоси А. Алланазаров уддабурон, тадбиркор мутахассис эмасми, мақсадга эришмагунча ўзини ҳам, бошқаларни ҳам тинч қўймаяпти.

Балиқчилик билан шуғулланадиган «Олтин балиқча» кичик корхонаси иши ёмон эмас, Кенгаш раиси бу соҳани Оқ сув дарёси бўйида даромадли тармоққа айлантирмоқчи.

Яқинда фермага ангор типидаги 20 бош эчки келтирилди. Улар парваришлаб кўпайтирилади. Шу билан тивит рўмол, жемфер тўқиш йўлга қўйилади.

Хўжалик тоғли зонада жойлашган. Ҳар бир қарич ер ҳисобда. Айни пайтда хўжалик ерига-ер қўшиб, одамларга иш топиб бериш ҳам муаммо эди. Бунинг ҳам ечими топилди. Ҳисор тизма тоғлари этагидан 191,5 гектар ер очиляпти. Ҳадемай, хўжалик аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ҳам ҳал этилади.

Бу ишларда жамоа ширкат хўжалиги кенгаши раиси партия ташкилоти (котиби Номоз Хусенов)га таянади. Дарҳақиқат, умумий ишда партия аъзолари жуда катта куч. Барча участкаларда 94 нафар ХДП аъзоси ғайрат кўрстиб ишламоқда. Бу ерда меҳнат илғорлари кўп. Улардан 15 нафарини яқинда партия ташкилоти ўз сафига қабул қилмоқчи. Улар ҳам Абдунаби Алланазаровнинг қатордаги норлари ҳисобланади. Юкини ерда қолдиришмайди.

— Бу соҳада ҳали кўп иш қилишимиз керак, — дейди у. — Бунинг учун чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқада бўлиб, қўшма корхоналар қурмоғимиз лозим. Шундагина барча юмушларни саноат негизида ташкил эта оламиз.

Орзуга айб йўқ! Ҳозирча эса хўжалик ислоҳот талаб қилган йўлдан бормоқда.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳар қандай сиёсий ташкилотнинг нуфузи ҳукумат бошқаруви органидаги аъзолар сони билан белгиланади. Шу боисдан Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасига жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон ХДП Фарғона вилояти кенгашида шу масалага бағишланган махсус йиғилиш бўлиб ўтди. Туман ва шаҳар кенгашларининг котиблари иштирок этган йиғинни вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов очиб, ХДП мавқеини мустаҳкамлаш борасида қилинган ишларга тўхталиб ўтди.

КУН ТАРТИБИДА— ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими Улуғбек Ҳаитов бир қатор партия ташкилотларида ўтказган мулоқотларига якун ясар экан, масалани кўндаланг қўйди: «Сайловларда кимнинг кимлиги аён бўлади. Партиямизнинг қучу қудратига ана шуларга қараб баҳо берилади. Шу боис тарғибот ва тушунтириш ишларини жонлантириш зарур».

Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан кенг халқ оммаси орасида Халқ демократик партияси аъзолари олиб борадиган ишлар келишиб олинди.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШВИҚОТ ГУРУҲИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилояти Кенгаши ижроия бюроси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида Президентимиз, Халқ демократик партияси раиси Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари ҳақида»ги маърузаси, сессияда кўрилган долзарб масалалар, қабул қилинган қарорлар атрофлича муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси мажлиси якунлари ўрганилди.

Сўзга чиққан нотиқлар Олий Кенгаш сессияси материаллари ҳамда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида баён қилинган асосий қоидалар юзасидан ташкилотчилик, сиёсий ва тарғибот ишларини кучайтириш зарурлигини таъкидлашди. Шу мақсадда партия фаоллари, ноиблари ва олимлардан иборат тарғибот гуруҳи тузилди.

Фарҳод ИЎЛЧИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1993 йил 6 октябрга қадар бўлган МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Жами: Бир кунда	Жами: Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан
Хоразм	2.95	65.06	0.67	3.99
Сурхондарё	2.39	57.82	2.13	29.57
Бухоро	3.44	56.27	1.35	11.22
Қорақалпоғистон Республикаси	3.09	45.55	2.68	26.01
Қашқадарё	3.40	37.43	3.51	24.41
Фарғона	0.24	32.47	0.08	3.29
Андижон	0.16	28.47	0.07	2.64
Навоий	3.26	28.00	1.58	6.89
Наманган	0.51	17.00	0.01	2.20
Самарқанд	1.09	12.70	0.32	1.74
Тошкент	0.16	8.68	0.04	0.93
Жиззах	0.30	5.77	0.17	3.38
Сирдарё	0.14	3.67	0.00	0.13
Мамлакат бўйича:	**1.60**	**31.67**	**1.00**	**9.61**
Шу жумладан нигичка толали пахта				
Сурхондарё	2.93	44.39	0.00	0.00
Қашқадарё	1.55	8.33	0.00	0.00
Наманган	0.00	4.95	0.00	0.00
Мамлакат бўйича:	**2.59**	**35.76**	**0.00**	**0.00**

• *ҲОСИЛ—93*

Терим илғорлари



Шу кунларда республикамиз далаларида иш қизғин. Сабзавоткор полизкорлар, боғбону соҳибкорлар пешона тер эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олмоқдалар. Айниқса, пахтакорлар учун долзарб дамлар бошланди. Теримчилару механизаторлар суръат отига қамчи босиб, йиллик режани шараф билан уддалаш учун ҳаракат қилишаётир.

Хоразм, Сурхондарё, Бухоро вилоятларининг деҳқонлари йиллик марраниинг ярмидан ўтдилар. Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари эса марранинг ярмига яқинлашиб қолдилар. Бошқа вилоятларнинг пахтакорлари ҳам суръатни оширишмоқда.

Бироқ айрим вилоятларда пахта кечки бўлиб қолди. Шу боис улар эндигина ғўза баргини тўктириб бўлишди. Яқин кунлар ичида ана шу вилоятларнинг механизаторлари ҳам ўз «пўлат от»ларини далага олиб чиқишади. Ана ўшанда республикамиз хирмони янада тез суръатлар билан юксалади. Бу борада Сирдарё вилояти механизаторларини назарда тутяпмиз. Ҳозирча вилоятнинг кўпгина хўжаликларида қўл терими авжида. Чеварлар уруғлик пахтани сифатли теришмоқда.

Оқолтин районидаги Собиржон Сиддиқов номли давлат хўжалигининг тўртинчи бўлими теримчилари ана шундай қилмоқдалар. Зеро, бўлимда бу йил 290 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан хирмон кўтариш мўлжалланган. Бу ишда албатта чевар теримчиларнинг ҳиссаси катта. Матлуба Араббоева ана шуларнинг бири. Унинг нияти — мавсум давомида 12 тонна пахта териб бериш. Ҳозир у 8 тонналик маррадан ошди.

СУРАТДА: Матлуба Араббоева.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

• ХАТ ВА ҲАЁТ •

Халқ айтгани ҳақ чиқар

• *Гап эгасини топади*

ДЎКОНЛАРДА СОТИЛМАСА

Газлаштириш масаласида давлат хўжалиги, туман ва юқори ташкилотларга 1988 йилдан бери бир неча марта мурожаат қилдик. Афсуски, натижасиз қолди. Қизиғи шундаки, кооператив уйлар атрофидаги хонадонларга газ ўказилган. Негадир, бор-йўғи 12 та кооператив уй ўзсиз қолмоқда. Уйларимизни газлаштириб олишимиз учун қувур, мурват, горелка сотиб олишимиз керак экан. Ахир бундай «танқис» моллар дўконларда сотилмайди-ку. Бунинг устига, «шапкаси» ҳам бор дейишади. Илтимосимиз шуки, бизнинг хонадонлар ҳам газлаштирилиб, ҳужжатларимизни қонуний расмийлаштирилишига ёрдам берсангизлар.

8 киши номидан ўқитувчи
Пўлат САЙДОВ.

⊙ ТАҲРИРИЯТДАН: Кооператив уйларни қуришга бошқош бўлган мутасаддилар газлаштиришни унутишганга ўхшайди. Мактуб эгаларини куюниб ёзганларича бор. Бу атрофда газ келмаган бўлса ҳам майлийди-я. Уйлаймизки, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ тумани ҳокимлиги «Гиламбоп» давлат хўжалигидаги бу муаммони ҳал қилишга киришади.

ИНСОФ БЕРМАСА ҚИЙИН

Биз Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод туманидаги Ҳамза номли давлат хўжалигида қарийб 10 йилдан бери яшаб, меҳнат қиламиз. Бошида турмушимиз ҳам, ишларимиз ҳам дурустга ўхшаб турди. 1990 йили хўжалигимизга Муҳиддин Нўъмонов раҳбар бўлди-ю, кўнглимизга ғашлик тушди. Нимага десангиз, у киши меҳнат аҳли билан сира қизиқмай қўйдилар. Бирон ишни халқ билан бамаслаҳат қилганларини эслолмаймиз. Оқибати ҳам шунга яраша бўлди. Хўжалигимиз қарзга ботди. Бизга алам қиладигани — меҳнат ҳақимизни ўз вақтида беришмайди. Толага тўланадиган беш фоизли қўшимча ҳақни ҳам 3 йилдан бери ололмаяпмиз. Иш ҳақингизни талаб қилгудек бўлсангиз: «Қаерга борсанг, бор, қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Менинг таниш-билишларим етарли. Шикоят қиладиган бўлсаларинг, ўзларингдан кўр» қабилидаги дағдағага дуч келасиз. Биз аёллар жонимиздан ўтгач, қўлимизга қалам олишга мажбур бўлдик. Додимизга қулоқ тутадиганлар топилармикин?!

Дилором ИЎЛДОШЕВА,
Фотима ҒАНИЕВА,
7 нафардан фарзанднинг оналари.
Холисхон ҲАСАНБОЕВА,
Шаҳноза ДЕҲҚОНОВА,
3 нафардан фарзанднинг волидалари.

⊙ ТАҲРИРИЯТДАН: Мактубдан кўриниб турибдики, онахонларнинг эътирози бежиз эмас. Наҳотки, уларнинг додига қулоқ солиб, қайсар раҳбарни тартибга чақирадиган кимса топилмаса! Ҳар қалай, Меҳнатобод ҳокимлигидаги мутасаддилар бу масалани эътиборсиз қолдиришмаса керак.

ФЕРМЕР БЎЛАЙИН ДЕСАМ

Байналминалчи сифатида жанг қилиб, Афғон тупроғида беш марта яраланиб, охири ногирон бўлиб қолдим. Иккинчи гуруҳ ногирони сифатида 90-йилдан бери ҳеч қаерда ишлаганим йўқ. Зеро, кўнглимда бир эзгулик бор. У ҳам бўлса жамоа хўжалигидан ер сўраб, банкдан қарз олиб, мол-ҳол парвариш қилсаму давлатга гўшт-сут топширишни йўлга қўйсам. Ҳар қалай орзуга айб йўқ, дейишади. Лекин ишлар мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Боиси, Сирдарё туманидаги Охунбобоев номли, «Правда» жамоа хўжаликларига, ҳатто Сирдарё шаҳар ва туман ҳокимликларига мурожаат қилдим. Ваъда беришади-ю амалда... Ахир, ўғил уйлантиришим керак, бунинг устига рафиқам ҳам ногирон бўлиб қолди. Назаримда ҳеч ким менинг имкониятларимга ишонмаётганга ўхшайди. Мен эса чоғроқ фермер хўжалигини жонлантириб юборишга имконим бор, деб дадил айта оламан.

Бахтиёр ИСАЕВ,
байналмилалчи жангчи.

⊙ ТАҲРИРИЯТДАН: Бахтиёржон, ўлимларни доғда қолдириб, ғайрат камарини боғлаган сиздай йигитни қадрига етишмабди-да. Сирдарёда фермерларга эътибор етарли эмаслиги республикамиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қаттиқ танқид қилинди. Эҳтимол энди ишда ўзгариш бўлар.

ТОМОШАБИНЛАР РАНЖИШМАСИН

Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ҳам Ўзбекистон телевидениеси томошаларини кўрувчилар кўп. Мактуб ёзишимга сабаб Фарғона водийси хусусан, Андижон, Наманган ва Фарғона телевидениеларининг кўрсатувлари зангори экранимизни банд этиб, Тошкентдан бериладиган Ўзбекистон телевидениеси дастурларини кўришга йўл бермаяпти. Лекин бундай томошаларни ҳаммага хусусан, Ўзбекистонга чегарадош Ўш вилояти, қоланерса Марказий Осиё республикаларига узлуксиз таралишида ҳеч нарса тўсқинлик қилмаслиги керак, деган фикрдаман.

Тоҳиржон САМИЕВ,

⊙ ТАҲРИРИЯТДАН: Фарғона водийсида телевидение кўрсатувлари бўйича олиб борилаётган хайрли ишлар хусусида мулоҳаза билдирган ўшлик ўртоқнинг фикрлари ҳақида мушоҳада қилиб кўрилса ёмон бўлмасди.

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Биз Фарғона вилояти Сўх туманидаги «Болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази» жамоаси номидан мактуб йўллашга мажбур бўлдик. Мақсад бу марказ ташкил топганига қарийб 12 йил бўлди. Калинин номли мактабнинг эски биносига жойлашган эди. 1987 йили директоримиз И. Раҳимжонов ташаббуси билан замонавий бинога кўчиб ўтилган. Истиқлол туфайли ижодкорлик марказимиз имкониятлари янада кенгаяди, ишларимиз янада юришиб кетади, деган фикрда эдик. Афсуски биз ўйлаганча бўлмади. Боиси, туманимиз ҳокимлиги томонидан 1993 йилнинг 16 февраль куни имзо чекилган фармойишга биноан туман халқ таълими бўлими болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази биносига кўчириладиган бўлди. Ижодкорлик маркази эса Қалъа қишлоғидаги эски бинога кўчирилиши лозим топилди. «Соғлом авлод учун» кураш бошланган бир паллада келажагимиз бўлган болаларни сарсон қилиш шартмиди?..

Ш. ШАМСУТДИНОВ,
жами 12 имзо.

⊙ ТАҲРИРИЯТДАН: республикамизда иқтидорли ёшларни танлаш, ўқитиш, керак бўлса хориждаги билим масканларида таҳсил олишларига имконият яратиш борасида қайғурилаётган бир пайтда ижодкорлик маркази болаларини безовта қилиш зарурмиди!

Гуллар шаҳри Наманган-даги Машраб номли истироҳат боғи ободонлашиб кетди. Бу ерда шоирнинг таваллуди муносабати билан таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Жумладан, «Турк», «Самарқанд» қаҳвахоналари, «Бухоро» «Лағонча», «Эрон» чойхоналарининг бинолари ўзига хослиги ва бежиримлиги билан диққатга сазовор. Боғ шаҳар меҳнаткашларининг севимли масканларидан бирига айланган.

Суратда: «Бухоро» чойхонаси (чапда) ҳамда «Хитой» қаҳвахонаси бинолари-нинг кўриниши.

Пўлат АКБАРОВ олган суратлар.

• *Ишчи шоир*

БЎЛМАГАЙ

Тўғри йўлдан юрса ҳар ким, дўстгинам, кам бўлмагай,
Эгрилар олдида боши ҳеч қачон ҳам бўлмагай.

Гар булут босса ҳавони кўзидан ёш томчилар,
Қораликда тоза тут қалбни қўш кўзинг нам бўлмагай.

Элу юрт ёди билан ўтса агар ҳар бир кунинг
Шод яшарсан бу жаҳонда, дилда ҳеч ғам бўлмагай.

Расулий, дурдир умр, бойликка қурбон этмагил,
Бўлса қурбон бойлигинг дардинга малҳам бўлмагай.

ЁР УЧУН

Мен жаҳонга келдим асли севгилим сиз бор учун
Ишқ боғига кирдим ўшал бир гули рухсор учун.
Маҳлиё бўлибман гўзал — беқиёс гулзор учун,
Кирган эрдим боғ аро гул сайрига дилдор учун.

Изладим муҳаббатимни термулиб гулзор аро,
Кечалар васлин тилаб қолдим мен ер осмон аро,
Этмади бир бора ёд қийналурман ҳижрон аро,
Кўп ораси бўлдим, лафзи ширин гуфтор учун.

Эй, Расулий, ўтарман ишқи билан шайдо бўлиб,
Йўлларида бир умр қолди кўзим ёшга тўлиб,
Билмадим ё менсимай қўйди зебо мендан кулиб, —
Қийналиб афтода бўлдим, севгида ул ёр учун!

МУШУК

(Ҳазил)

Маст эди уйқу шаробидин фиғон қилди мушук,
Уйқуни ўғри каби кўздин пинҳон қилди мушук.

Нимта гўштим бор эди, билмам келиб, чангал солиб,
Ямламай ютганмикин, рангим сомон қилди мушук.

Охири калтак ила бошига солдимки, чунон,
Телпак эркан урганим, ўзин аён қилди мушук.

Эй, Расулий, эҳтиёт бўлгил, мушукни айблама,
Сенга гўё бир ҳаёт пандин баён қилди мушук.

Султон РАСУЛИЙ.

• *Яхшиларни авайлаб асранг*

«ЖОНБОЛАМ» ХОЛА

Хизмат юзасидан хотин-қизлар иши билан боғлиқ юмушларни адо этиш учун вилоятларда бўлишга тўғри келади. Қайси хонадонга кирмай, қайси оилада суҳбат қурмай, кўпинча қайнонакелин ҳақидаги гаплар ўртага тушади. Одамлар бу мавзуни азалдан қолган, деб бежиз айтишмайди. Мен бўлсам бундай кезларда меҳрибон ва заҳматкаш қайнонамни эслайман. Меҳр-оқибат, қадр-қиммат, рўшнолик кўтарилган хонадонларда келинни қайнона ҳақида, қайнонани келин ҳақидаги гаплари-ю, маломатларини эшитганимда ўзимнинг Жонболам хола, деб маҳалла-кўйда тилга олинувчи қайнонамни улар билан қиёслайман.

Онамдай бўлиб қолган бу инсонни асл исмлари Анорхола. Охиратлари обод бўлсин, деб дуо қиламан. Асли у киши Ҳоразмнинг Шоватидан. Келин бўлиб тушганимда, бу хонадонга қиз бўлишни кўнгилга туккан эдим. Ниятимга етдим.

Қайнонам икки набира ўғил болаларнинг ҳархашасига ҳам бағри кенглик қилардилар. Бир воқеа эсимдан чиқмайди. Ишдан келсам болаларим қайнонамни чунонам чарчатибдики... Очиғини айтсам, жаҳлим чиқди. Билиб-билмасдан бирининг юзига тарсаки тортиб юборибман. Кейин қарасам, қайнонам ўғлим билан қўшилишиб йиғлаб ўтирибдилар.

— Тинчликми, ойижон, нима бўлди?

— Оҳ, болагинам-а, кексалар ўртасида вақтики барманас, деган гап бор. Бу охиргиси бўлсин, зинҳор ёш болага қўл кўтара кўрманг, жон болам, бошқача йўл билан тартибга чақирса ҳам бўлаверади. Чунки болалар бугун ерга сочилган уруғ билан баробар. Биз эртага қандай ҳосил кўтаришимиз ҳақида ўйлашимиз керак. Мени онам, десангиз, шундоқ бўлсин, болам...

Ҳа, ҳаётда мана шу қайнонамга ўхшаб ёмонни яшириб, яхшини оширадиган бағри дарё оналар кўп. Оиладаги тотувлик, хотиржам турмуш, аввало, қайнонага боғлиқ, қолаверса, келинга. Ҳар иккиси ҳам нияти ҳолис бўлса, бундай хонадонга фаришталар парвона бўлиб, умримиз рўшноликда кечаверади.

Гулпошша ЭРГАШХЎЖАЕВА.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

●

ХАЛҚ РИЗҚИГА ХИЁНАТ

ЁКИ ШАҲРИХОН НОН КОМБИНАТИДАГИ КУЗБЎЯМАЧИЛИК ХУСУСИДА

«Президент фармони қандай бажариляпти?» рукни остида газетамизнинг 12 май сонида юқоридаги сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда халқ ризқига хиёнат қилаётганлар, ишлаб чиқаришда суиистеъмолликка йўл қўйиб, қўшиб ёзишга «рўжу» қўйган масъул шахслар танқид қилинган эди.

Яқинда Андижон вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарув ҳайъатининг раиси Ф. Худойбердиев имзоси билан жавоб хати олдик. Мактубда қайд этилишича, газета мақоласи вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарув ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинган. Мақолада тилга олинган фактлар асосан тўғри эканлиги кўрсатилган.

Жумладан, танқидий мақола юзасидан қабул қилинган қарорда қуйидагилар таъкидланади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида истеъмол бозорини ҳимоя қилиш» тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши Шаҳрихон туман матлубот жамиятлари уюшмасида қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Шаҳрихон нон комбинати директори С. Акромов йўл қўйган камчиликлари учун вазифасидан бўшатилган. Шаҳрихон шаҳар матлубот жамияти раиси З. Ҳомидов назоратни бўшаштириб юборганлиги учун охирги марта огоҳлантириш олган. Шаҳрихон нон комбинатига қарашли омбор мудирлари Ш. Жўраев, М. Камолов, М. Исмонов, нон устаси В. Сатторов, таъминотчилар М. Ўринбоев, Б. Мамиров, Т. Аҳмадхўжаев, А. Мадраҳимовлар ишдан бўшатилган.

Шунингдек, қарорга мувофиқ Шаҳрихон туман матлубот жамиятлари уюшмасининг савдо бўйича раис муовини О. Шониёзовга йўл қўйган камчиликлари учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

• *Таҳрирсиз, жавобсиз хат*

ҚЎКНОРИ МАШМАШАСИ

Фарзандим Нортой Қуролтоевни 1991 йил 15 апрель куни кечаси Ўтамиш Ажибеков деган шахс қасддан отиб ўлдирди. 1991 йил 5 июль куни Ўтамиш Ажибеков Нурота тумани халқ суди томонидан зарурий ҳимоя чегарасидан четга чиқиб, ҳужум қилувчининг ўлимига сабаб бўлган деб уни ЎзЖКнинг 84-моддаси билан айблади ва 2 йилга шартли озодликдан маҳрум қилиб, мажбурий меҳнатга жалб этди.

Мен бу суд ҳукмидан норози бўлиб, Самарқанд вилояти судига шикоят қилдим. Вилоят суди жиноий ишлар бўйича судлов кенгаши ҳам 1991 йил 5 ноябрь кунидаги 22—448 сонли ажрим билан туман халқ суди чиқарган ҳукмни ўзгартишсиз қолдирди. Зеро, мен Нурота тумани халқ суди чиқарган ҳукмдан бутунлай норозиман.

Боиси, бу ишга кўкнори аралашган. Ўша куни ўғлим Нортой Қуролтоев давлат хўжалиги марказидан уйга келиб бундай деди: «Бизлар Ўтамиш билан уришиб қолдик. У менга нашамни ўғирлагансан, дейди. Аслида эса унинг нашасини Раим Қўрғонбоевнинг боласи кечаси юлиб олиб кетганлигини одамлардан кейинчалик эшитдим. Раим Қўрғонбоев эса сири очилиб қолишидан қўрқиб Ўтамишга: «Нашангни Нортой ўғирлаб олган», деб ишонтирган. Сабаб, йўлда Ўтамишнинг машинасини учратиб, қолиб тўхтатган. Мен унинг машинасида ўтирган Раимнинг Ўтамишга: «Ана кўкнори ўғриси келди», деганини эшитиб қолиб, шартта машина ёнига бориб, Раимни бир шапалоқ урдим, кейин Ўтамиш билан жанжаллашиб қолдик. Ноҳақ туҳмат қилганлиги ҳалигача менга алам қиляпти, мен ҳозир Ўтамишга бориб бор гапнинг ҳаммасини айтаман». Шундай деб у уйдан чиқиб кетган.

Келиним Шарофат унга: «Ҳозир оқшом, бориб нима қиласиз, айтадиган гапингиз бўлса, эртага ҳам айтаверасиз», деса-да у қулоқ солмай кетган. Ярим тунда ўғлимнинг отиб ўлдирилганлиги тўғрисида хабар келди...

Бизларнинг ҳеч қандай милтиғимиз йўқ эди. Ўтамишнинг Навоий шаҳрилик ошналари кўп бўлиб, улар деярли ҳар ҳафтада унинг уйига келиб, балиқ тутиб, чўчқа, қуён, ондатралар овлаб, бир-икки кунлаб қолиб кетардилар. Милтиқ ҳам шуларники бўлса керак. Милтиқнинг номери ва заводдан чиққан йилига қараб милтиқ қаерда сотилганлигини ёки қайси ташкилотга қарашли эканлигини аниқлаб олса бўлади-ку! Ахир ҳамма милтиқлар ҳам милицияда рўйхатда туриши, қонун бўйича, шулар текширилиши керак эмасми? Ўтамиш Ажибеков хотини билан тил бириктириб, Нортой уйимизга милтиғи билан бостириб келди, уни қўрқанимдан отиб ташладим, деб ёлғон гувоҳлик берган. Агарда ўғлим милтиқ билан бориб Ўтамишни отиб ташлайман, деган ниятда бўлса, нега унинг милтиғи ўқланмаган экан? Бундан ташқари, машинада ҳам боламнинг кийимларида ҳам ўқ топилмаган. Ўтамиш Ажибеков хотини билан биргаликда милтиққа ўқ жойлаб қўйиши ҳам мумкин эди. Лекин бу ўқ ўзидаги ўқлар билан мос келиши (ўқнинг чиқарилган йили, сочма № ва бошқалар)ни ўйлаб, ўзларининг ўқланмаган милтиғини Нортой олиб келган, деб шу тарзда жиноятни яширишга урининганлар. Агар Нортой ҳақиқатдан ҳам милтиқ билан борган бўлса, унда бармоқ излари ҳам қолиши керак эди-ку? Нима учун ушбу далиллар текширилмай келинмоқда.

Ўтамиш Ажибеков: «Нортой келганда мен эшикни беркитиб, зулфини ўтказиб олдим. У эшикнинг юқоридаги зулфини суғуриб олиб, эшикнинг устини очиб қўлини ўтказди», деб гувоҳлик берган. Эшикда иккита зулф бўлса, Нортой эшикнинг бир зулфини очиб қандай қилиб эшикдан қўлини ўтказиб олди экан. Ахир эшик резина ёки пружина эмаски ё майишадиган ёки чўзиладиган? Ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган важлар кимнинг манфаати учун туғилган экан?

Суд ҳукмида «Гувоҳ Наврўзовнинг кўргазмасини гувоҳ С. Ўтеповлар тўлиқ тасдиқлайдилар», дейилган. Аслида эса Ўтепов судда бутунлай бошқача гувоҳлик берган.

Ўтамиш Ажибеков шу куни совхозда бўлганида бир неча одамга: «Мен бир кишини отишим керак», деб айтган. Шахсий машинасини совхознинг ёнилғи қуйиш шоҳобчасида бош муҳандис Худойқул Азимовнинг ёзма фармойиши бўйича ёнилғига тўлдириб олган. Совхознинг ёнилғиси бош муҳандиснинг отасидан қолганмикан, шахсий машиналарга ҳам бензин бериб юбораверса?!. Агар бош муҳандис Ажибековга бензин бермаганда эди, эҳтимол, Ўтамиш шу куни уйига боролмай қолиб, жиноят содир этмаган бўлармиди! Нима учун суд томонидан совхоз бош муҳандисига нисбатан бирон чора кўрилмади?

Ҳурматли таҳририят! Бир ишининг ноҳақдан чақуви, туҳмати билан, яъни Раим Қўрғонбоевнинг: «Нортой Ўтамишнинг кўкнорисини даладан ўғирлаб олган», деган гапи билан бир бегуноҳ ўлиб кетаверса, шу ҳам адолатданми?

Улбозор ҚАЛИМБЕТОВА,
Навоий вилояти Нурота туманидаги «Нурота» давлат хўжалиги, 3-бўлим.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ЙИҒИЛИШИДА

● Ҳамза номидаги республика санъатшунослик институтида Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласини чуқур ўрганишга бағишланган анжумани бўлиб ўтди.

Унда Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги маданият ва санъат олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари, санъаткорлар, маданият ходимлари ва бошқалар иштирок этишиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотининг совриндори Зикир Муҳаммаджонов, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари, санъатшунос олим Равшан Юнусов, «Меъмор» республика илмий ишлаб-чиқариш таъмирлаш бирлашмаси директорининг ўринбосари Петр Шуб, Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институти философия кафедрасининг мудираси, фалсафа фанлари доктори Лолахон Яҳёева, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг «Маданият назарияси, этика ва эстетика» кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Баҳриддин Насриддинов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессияси материаллари ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг рисолалари мазмунан нечоғли долзарб эканлигини таъкидладилар.

Жасур РАСУЛТОЕВ,
Тошкент шаҳри.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛЛАР

● САВОЛ: Газетада эълон қилинган савол-жавоблардан маълум бўлишича, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари шаҳар жамоат транспортининг барча турлари (таксидан ташқари) ва қишлоқлардаги жамоат автомобиль транспортларида, шаҳарлараро темирйўл ва сув транспортида бепул юришлари мумкин, деб кўрсатилган. Аммо такси деганда фақат «ГАЗ-24» енгил машина хизматини тушуниладими ёки бошқа машиналар ҳам такси ролини ўйнаши мумкинми! Шу ҳақда билмоқчи эдим.

Қ. ҲАКИМОВ,
Тошкент райони.

●ЖАВОБ: Ҳақиқатда ҳам ҳозирги пайтда шаҳарда хизмат қилувчи такси турлари кўпайиб кетди. Кичик автобуслар ҳам махсус белги билан такси деб ҳисобланадиган бўлди.

Такси деганда фақат енгил «ГАЗ-24» маркали машинасини тушунишимиз тўғри бўлмайди. Чунки бирор бир қоидада «ГАЗ-24» машинасидан бошқа машиналар такси деб тан олинмайди дейилмаган. Демак, такси белгиси бор (маршрутдаги такси ҳам) автомашинадан сиз имтиёзли, яъни бепул фойдаланишингиз ҳуқуқий қоидада кўрсатилмаган.

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ҚАЙТАРИБ ОЛАСИЗ

● САВОЛ: Мен 1990 йил иш жойимдан 10 минг сўмлик фоизсиз заём сотиб олган эдим. У машина харид қилиш ҳуқуқини 3 йилдан сўнг бериши мумкин эди. Энди у пуллар учун машина олиб бўлармикан!

Х. ҒАНИЕВ,
Андижон вилояти, Марҳамат тумани.

● ЖАВОБ: Ҳозирги кунда машиналар харид қилиниши мумкин бўлган аввалги тартиб ва қоидалар бирмунча ўзгариб кетди. Машиналар харид қилиниши учун мўлжалланган барча шартномалар ўз кучини йўқотганлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Сиз тўланган пулларингизни қайтариб олиш масаласини кўришингиз мумкин.

ИМТИЁЗ ВА ТАЪМИНОТ

● САВОЛ: Улуғ Ватан уруши қатнашчисига бериладиган имтиёзли нархдаги бензин уруш қатнашчиларига тенглаштирилганларга ҳам бериладими! Чунки собиқ СССР даврида Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарисидаги фидокорона меҳнатлари учун СССР орден ва медаллари билан мукофотланган шахслар учун қонунда белгиланган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш кўрсатилган... Айтингчи, шундай қонда ҳозир ҳам ўз кучидами? Шахсий пенсионерлар ҳақидаги собиқ қоидалари амалдами!

У. ИСМОИЛОВ,
Қарши шаҳри.

● ЖАВОБ: Қўлланиб келинаётган қоидада кўрсатилишича Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ногиронлари ва уларга тенглаштирилган фуқароларга уларни шахсий машиналари учун бензин имтиёзли равишда берилади дейилган. Агар сиз ҳам Улуғ Ватан уруши қатнашчисига тенглаштирилган ҳуқуқга эга бўлсангиз у ҳолда бундай имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

Шахсий нафақалар илгари СССР халқларига мўлжалланиб тайинланар эди. Ҳозир мустақил республикамиз доирасидаги қоидаларга амал қилинган ҳолда шахсий пенсиялар тайинланмоқда.

АНИҚ ҲИСОБ ЮРИТИЛАДИ

● САВОЛ: Мутасадди раҳбарларнинг жавобига қараганда, нафақалар асосий миқдори 55 фоиз қилиб тайинланади, агар меҳнат стажи қонун бўйича талаб қилинганидан ортиқроқ бўлса яна бир фоиздан қўшимча берилади, дейилган. Менимча, келтирилган мисолда қўшимча нафақа миқдорини ҳисоблашда англашилмовчиликка йўл қўйилган. Бундай ҳолат ижтимоий таъминот ходимларининг нафақалар тайинлашини тўғри бўлишига таъсир қилмайдими!

А. УЛМАСОВ,
Қўқон шаҳри.

● ЖАВОБ: Йўқ, таъсир қилмайди. Чунки, ҳар бир ижтимоий таъминот бўлими ҳар қайси нафақахўрнинг аниқ ҳужжатлари асосида ҳисоб-китоб қилиб, хулоса чиқаради.

Абдужалил ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

• *Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

ОИЛА БЮДЖЕТИ НИМА?

Республика раҳбарияти ҳозирги шароитда нарх-навонинг ошиб бораётганини назарда тутиб кейинги 2—3 ой ичида пенсиялар, стипендиялар ва ойлик маошларни ошириш тўғрисида кетма-кет фармон ва қарорлар чиқарди. Талабалар, ўқувчи-ёшлар, ёлғиз пенсионерлар ва ҳимояга муҳтож фуқароларнинг имтиёзли равишда овқатланишини ташкил этишнинг қўшимча чоралари тўғрисидаги ҳамда республика аҳолисини дори-дармонлар ва тиббий мақсаддаги маҳсулотлар билан таъминлашнинг кечиктириб бўлмайдиган чоралари тўғрисидаги қарорлари кучли ижтимоий ҳимоя ролини ўтамоқда.

Ўзбекистонда, бошқа МДҲ давлатларидан фарқли ўлароқ, ойлик маошлар бир неча марта оширилди. Ҳозир республикамиздаги энг кам ойлик маош миқдори Ҳамдўстлик давлатларидагидан анча кўпдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кейинги сессияси пенсиялар ҳақида алоҳида Қонун қабул қилди. Бу Қонун қўшни давлатлар, хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза борасида изчил сиёсат олиб борилмоқда. Бу сиёсатнинг ўзагини эса ҳар бир оила фаровонлигини таъминлаш тадбирлари ташкил этаётгани айниқса диққатга сазовор. Оила—жамиятимизнинг кичик бир шаклий кўриниши. Оила—фаровонлиги —эл-юрт фаровонлиги демакдир. Шу боис ҳар бир оилани ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бугунги кундаги асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Оила фаровонлиги асосан оила бюджети, унинг тўғри тақсимланишига ҳам боғлиқ.

Хўш, оила бюджетининг ўзи нима? Бу, аввало, оиланинг маълум вақт оралиғида амалга оширган кирим ва чиқимлари умумий йиғиндисидир. Оила бюджетининг кирим қисмида оила аъзоларининг турли манбалардан олган маблағларида иш ҳақи, мукофот, пенсия, нафақа, стипендия ва лотерея ҳамда давлат облигацияларига чиққан ютуқлар акс этади. Оиланинг моддий фойдасига давлат, ширкат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида ишлаётганлар, пенсионерлар, ўрта махсус, олий ва бошқа ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар каби оила аъзолари келтираётган меҳнат ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳам киради. Нақд пул шаклидаги фойдаси эса оила даромадининг ўзагини ташкил қилади. Бу даромад оила аъзолари томонидан моддий фаровонликни таъмин этувчи нарсаларни сотиб олишга, уй ва турли хил маданий-маиший хизматлар ҳақини тўлашга ёки жамғарма ҳамда бошқа мақсадларда ишлатилади.

Оила бюджетининг чиқим қисми ҳам бор. Оила даромадининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга, уйдан фойдаланиш ҳақи ва турли маданий-маиший хизматларга чиқим қилинади. Йўлкира, санаторийлар, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳларига йўлланмалар ҳам чиқимдир. Шахсий ёрдамчи хўжалик билан боғлиқ харажатлар, солиқларни тўлаш каби турли харажатлар ҳам оила бюджети чиқим қисмига киради. Бюджетнинг кирим ва чиқим қисмлари оила нақд пулларининг кўпайиб бориши, облигациялар сотиб олиш, давлат банкидаги жамғармаларнинг ортиб бориши ҳисобга олинган ҳолда мувофиқлаштирилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида республикамизда оила бюджети қай аҳволда? Вазирлигимиз мутахассислари ушбу саволга жавоб излаб яқинда бир тадқиқот ўтказишди. Аҳоли турмуш даражасини ўрганишга бағишланган бу тадқиқот республика пойтахти — Тошкент шаҳрида ҳамда аҳоли зич яшайдиган ҳудудлардан бири Фарғона ва Самарқанд вилоятларида ўтказилди. Тадқиқот учун биттадан оила танлаб олинди. Қуйида берилаётган тадқиқот натижалари билан танишган ҳар бир газетхон ўзига зарур хулосани чиқариб олиши мумкин.

Азизхўжаевлар оиласи Тошкент шаҳрида истиқомат қилади. Оила бошлиғи С. Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Кимё институтида бўлим бошлиғи вазифасида ишлайди. Унинг июль ойидаги маоши 181 минг 160 сўмни ташкил қилди. Азизхўжаевларнинг оиласи 8 кишидан иборат. Улар билан буви — уй бекаси ва бува пенсионерлар ҳам истиқомат қилишади. Бобонинг пенсияси миқдори 13 минг 200 сўмдир. Бу оилада 4 нафар фарзанд бор. Улардан 3 нафари ўғил ,бири эса қиз. Улар ҳаммаси ўрта мактабда таҳсил олишади. Июль ойида болаларнинг овқатланиши учун 360 сўм миқдорида нафақа (компенсация) олинди. Болаларнинг онаси Х. Азизхўжаева Юнусобод тумани ҳокимлигининг ижроия маҳкамасида меҳнат қилади. Унинг ойлик маоши 37 минг сўм.

Азизхўжаевлар оиласининг июль харажатлари қуйидагича бўлди: озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга — 80880 сўм, шунингдек, меъёрий асосда берилаётгган озиқ-овқат маҳсулотлари харажати — 19440 сўм;

саноат маҳсулотларини сотиб олиш — 36800 сўм;

коммунал хизматлар учун — 2200 сўм;

— йўлкира харажатлари — 3800 сўм;

маданий ҳордиқ учун — 7400 сўм;

бошқа харажатлар 5640 сўмни ташкил этди.

Харажатлардан ортиб қолган 25000 сўмни оила кейинчалик уй анжомлари сотиб олиш ва катта ўғилни уйлантириш учун жамғарма сифатида банкка қўйди. Бу хонадон Тошкентдаги кўплаб зиёли оилалардан биридир.

Энди Фарғона вилоятига «сафар» қиламиз. Олимбековлар оиласи вилоятнинг Тошлоқ туманидаги «Яккатут» жамоа хўжалигида истиқомат қилади. Оила бошлиғи С. Олимбеков жамоа хўжалигида ишлайди. Унинг июнь ойидаги иш ҳақи 12500 сўмни ташкил этган. Уй бекаси И.Олимбекова — пенсионер. Унинг ойлик пенсияси миқдори 16065 сўмдан иборат.

Бу оила таркиби 8 кишидан иборат. Оилада 2 ўғил ва бир қиз бор. Катта ўғил Х. Олимбеков уйланган, 2 фарзандли. Қишлоқ Кенгашида инспектор вазифасида ишлайди. Унинг июнь ойи маоши 18450 сўмни ташкил этди. Ҳосилбекнинг турмуш ўртоғи Робияхон эса мактабда ўқитувчилик қилади, июнь ойидаги маоши 17000 сўмдан иборат бўлди. Улар 2 фарзанд учун шу ойда 1080 сўм нафақа олишди.

Олимбековлар оиласида шахсий ёрдамчи хўжалик бўлиб, 5 бош қорамол ва 10 бош қўй парвариш қилинмоқда. Улар бу йил чорва сонини сақлаган ҳолда қўйларнинг семирганини сотиб, ўрнига ёш ва арзонроғини сотиб олиш, сут маҳсулотларининг ортиқчасини сотиш орқали оила харажатларини бемалол қоплаб келишяпти. Олимбековлар оиласи ихтиёрида 38 сотих экинзор бор. Бу йил 15 сотихга буғдой экилди, дон ва сомон даромад қилинди. Бундан ташқари 4 сўтих помидор, қолган қисмига картошка экилган эди. Етиштирилган ҳосилни сотиш туфайли оила апрель —июнь ойларида 85650 сўм даромад қилди. Бу рўзғор ҳам Фарғона вилоятидаги шу каби минглаб оилалардан биридир.

Бурҳоновлар оиласи эса Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида яшаб, меҳнат қилади. Оила бошлиғи Б. Бурҳоновнинг июль ойидаги маоши 37 минг сўмни ташкил этди. Турмуш ўртоғи Г. Бурҳонованинг маоши эса 21 минг сўмдан иборат. Оилада 4 фарзанд бор. Катта ўғил — Азамат Бурҳонов Самарқанд Давлат доирилфунунининг студенти. Ҳозир олаётган стипендияси 9000 сўм. Даврон, Ойжаҳон ва Мўминлар ўрта мактабда ўқишади. Ўқувчиларга давлат томонидан берилаётган нафақа 480 сўмни ташкил этди. Улар билан бобо — Норбой Бурҳонов ва буви — Шапоат Норбоевалар ҳам биргаликда яшашади. Июль ойидаги пенсиялари жами 24370 сўмни ташкил қилди.

Демак, 8 кишидан иборат бу деҳқон оиласининг июль ойидаги даромади 91850 сўмдан иборат бўлган. Шундан 87650 сўми турли эҳтиёжларга сарфланган. Харажатларнинг 39700 сўми озиқ-овқат маҳсулотлари олишга, 35900 сўми кийим-кечак, тамаки маҳсулотлари харид қилишга ва 12000 сўми эса бошқа харажатларга сарф этилган.

Оилада шахсий ёрдамчи хўжалик ҳам мавжуд. Унда 2 бош қорамол, 20 та товуқ ва 20 сотих экин майдони бор. Шу боис оиланинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини асосан ўз томорқаси қоплайди.

Бурҳоновлар фақат июль ойида бир ойлик харажатлардан сўнг 4000 сўм иқтисод қилиб қолишган. Олдинги ойлардан қолган жамғарма 57000 сўм бўлиб, июль ойи жамғармаси билан қўшиб ҳисоблаганда 61000 сўмни ташкил қилган. Бу жамғарма ҳисобидан оила катта ўғил Азаматни уйлантириш мақсадида тўй учун қисман тайёргарчилик қилиб, 25000 сўмга 1 қўй, 20000 сўмга бир қути спиртли ичимлик ва 10000 сўмга қандолат маҳсулотлари харид этган. Шу билан умумий жамғармадаги 61000 сўмнинг 55000 сўми сарфланди ва 6000 сўм маблағ оила бюджетида қолди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, юқоридаги ҳар учала оилада ҳам бюджетни ташкил қилишда ижобий натижаларга эришилган. Ўз-ўзидан шундай бўлгани йўқ, албатта. Бунинг замирида, аввало, ҳукуматимиз ва шахсан Президентимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсати самаралари ётади. «Ижтимоий муҳофаза қилиш воситасини такомиллаштириш лозим бўлади,—деб таъкидлайди Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китобида. — Бу воситани ўзгариб бораётган шароитларга мослаштириб, нархнавонинг ўсишига ва пулнинг қадрсизланишига тезда мувофиқ ҳолга кела оладиган қилиш керак. Шундай бир восита зарурки, бунда аҳолининг турмуш даражасини турли иқтисодий ва ижтимоий ларзаларнинг таъсиридан пухта ҳимояланган, кафолатланган бўлсин».

Дарҳақиқат, шундай. Чунки ,қорни тўқ, рўзғори бут одамгина яратувчилик ишига қодир бўлади. Зеро, оила фаровонлиги — бу эл-юрт фаровонлиги, давлат равнақи ва қудрати демак.

Раънохон УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор.



Зарифа Абдуллаева кўп йиллардан бери Самарқанддаги консерва заводининг қуруқ мева цехида бригада бошлиғи вазифасида ишлаб келаётир. Айни пайтда бригада аъзолари кунига 10 тонна меванн қуритиб тайёр маҳсулот тайёрлашаётир.

Суратда: илғор бригада бошлиғи Зарифа Абдуллаева.
Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

ЯНГИБЎСТОН БОЛАЛАР УЙИ

● ЖИЗЗАХ (вилоят мухбиридан). Зарбдор туманидаги Янгибўстон қўрғонида вилоят болалар уйи очилди.

Бунинг учун ҳокимлик ажратган 36 миллион сўмга 1176 ўринли мактаб биноси қайта мослаштирилди. Узоқ йиллардан бери тўлиқ фойдаланилмаётган бу бино таъмирланиб, ётоқхона, ошхона, кутубхона ва ўқув заллари ташкил этилди, замонавий ашёлар билан жиҳозланди. Болалар учун кийим-кечаклар харид қилинди. Болалар масканининг очилиш маросимида вилоят, туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари, халқ таълими бўлимларининг вакиллари, ота-оналар қатнашдилар. Дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Энди Тошкент, Самарқанд ва Гулистон шаҳарларидаги болалар уйларида тарбияланаётган жиззахлик болалар ҳам бу ерга келтирилади.

Бахтиёр РИЗАЕВ.

• *Давлат назорати амалда*

ФОЙДА ЎРНИГА ЗАРАР

Узун тумани деҳқончилик саноати уюшмаси қошида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчи бир неча савдо ташкилотлари ишлаб турибди. Шулардан бири Узун хўжалик ҳисобидаги савдо — тайёрлаш пункти—ХТЗПдаги қинғирликлар хусусида. эшитинг:

Мазкур савдо ташкилоти йил ўн икки ой туманда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб-сотиш билан шуғулланади. Четга чиқарилган маҳсулотлар эвазига мол айирбошлаш йўли билан камёб газмоллар, рўзғор буюмлари, қурилиш материалларини келтиради.

Масалан, 1992 йилда республикамиздан четга чиқариб сотилган маҳсулотлар эвазига бу ташкилот 292,7 куб метр ёғоч, 9971 метр варселон матоси, 60 дона рангли телевизор, 10 дона музлатгич, 30 дона тикув машинаси, яна 10 дона телевизор, 170 тонна картошка, 1406 дона енгил автомобиль шиналари, 500 дона палос, 100.000 қути болгар сигарети олиб келди.

Келтирилган ана шу молларнинг ҳаммаси биринчи навбатда маҳсулот топширган деҳқонга, қолаверса боғида етиштирган мевасини арзон гаровга берган хўжаликка сотилиши, бундан ҳар икки томон ҳам манфаат кўрмоғи лозим эди. Бироқ ундай бўлмади.

Карам ёки пиёз топширган хўжалик ўзига тегиши лозим бўлган пулни ололмай, сарсон бўлиб юрган бир пайтда улар келган молларни омборларга жойлаштириш, харидоргирларини хуфёна сотиш билан банд эдилар.

Меҳнатни ким қилди-ю, мўмай фойдани ким кўрди. Ғирромликни қарангки, пиёз етиштириб пулини ололмай юрган деҳқонга лоақал полос ҳам эп кўрилмаган. Тонналаб маҳсулот берган хўжаликка музлатгич ёки телевизор берса, асакаси кетармиди? Улар келтирилган моллар тумандаги хўжаликларга, аҳолига, қурилиш ва бошқа ташкилотларга сотилган дейишлари мумкин. Буни биз ҳам инкор қилмаймиз. Сотилишга сотилди. Гап — қайси йўсинда сотилганида.

Текширишда аниқланишича, биргина енгил автомашинанинг шиналаридан 114 донаси сотилган, қолгани ҳанузгача сақланиб турибди. Шунингдек, болгар сигареталари ҳам ҳанузгача омбордан чиқарилмаган. Қолаверса, ташкилотга келтирилган молларнинг барчаси танқис ва камёб бўлгани учун кимга сотилгани махсус дафтарда қайд этиб борилиши, ҳужжат асосида расмийлаштирилиши шарт эди. Бироқ бу талаб эътибордан четда қолган.

Яна шуниси ажабланарлики, сотиб юборилган 114 дона резинали ғилдирак сотилган нархидан 938 минг 953 сўмга кўплиги мазкур савдо ташкилотида олди-сотди ишлари қай даражада «мойли» эканлигини кўрсатиб турибди. Бу ташкилот раҳбарларини хўжаликлар ва аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиш билан чекланмасдан, балки яна бир қатор бошқа кичик корхоналар томонидан тайёрланган мева-чеваларни республикадан ташқарига чиқариб сотиш «сир»ларини ҳам яхши билишади.

Масалан, 1992 йил 28 июнда 336.189 рақамли тўлов варақаси орқали «Гўзал» кичик корхонасидан қабул қилиб олинган 130 тонна пиёзнинг ҳар бир килограмми учун 3 сўм 50 тийиндан 455.000 сўмга расмийлаштирилиб, ташкилот номидан республикамиз ташқарисига жўнатилган. Шу йўл билан олиб, ташкилот номидан қоғоз тўлдириб Россияга жўнатади.

Худди шу омбор мудири М. Қурбонов республикамиздан ташқарига 59.419 килограмм чириган ва сифатсиз пиёз чиқаргани учун ташкилотга 368.692 сўм камомад қилиб, яна 124.840 сўм зарар келтиради.

ХТЗП ташкилотида юз бераётган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Чунончи, Ғулом Муродов юборган олчадан 18.233 тоннаси, олмадан 9951 тоннаси, тарвуздан 17.506 тоннаси ва пиёздан 25.226 тоннаси сифатсиз ҳамда чириган деб қабул қилинади ва ундан кўрилган зарар 734.663 сўмни ташкил этади.

Ғулом Муродов сифатсиз маҳсулот етказиб бериш билан шуғулланибгина қолмай, уларнинг ҳам энидан, ҳам бўйидан уриб қолишни касб қилган. У минглаб килограмм олча, пиёз, «Гўзал» кичик корхонаси ҳар хил тўловлардан яшириб қолинган.

Фақат мазкур кичик корхона билангина эмас, қўшни туманлардаги, жумладан «Сўфиён» кичик корхонаси билан ҳам шундай ғайри-қонуний шерикчилик қилинган. Яна далилларга мурожаат этсак, ташкилотнинг омбор мудири Муҳиддин Қурбонов 1993 йил 16 январь куни Турсунзода шаҳридаги «Саховат» кооперативига 49.426 килограмм картошка, 6178 килограмм помидор, 1700 килограмм олма, 2170 килограмм узум берганини ҳужжатлаштиради ва Сариосиё туманидаги «Сўфиён» фирмасидан 120 тонна пиёз тарвуз камомадига йўл қўйиб, ташкилот ҳамёнига 311.023 сўм зиён етказди. Турсунзода шаҳридаги «Тижорат» фирмаси билан алоқа боғлаган Ғ. Муродов 6.112 килограмм олча, 70.085 килограмм пиёзга саҳийлик қилиб, юборди

Тайёрловчи бўлиб ишлайдиган Аваз Оллобердиев, Нурмамат Эшниёзов, Алимардон Жўраевларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари оқибатида ташкилотга келтирилган зарардан ёқа ушлайсиз.

Масалан, Аваз Оллобердиев маҳсулотни чиритганидан 680.112 сўм, маҳсулот камомадидан эса 315 минг 234 сўм зарар келтирди. Шуниси ажабланарлики, ўтган йилнинг июль ва август ойларида тайёрланган 138.626 килограмм пиёз, 14.617 килограмм узум, 2997 килограмм тарвуз ҳозиргача Оллоберганов ҳисобида турибди.

Алимардон Жўраев томонидан бултур октябрь-ноябрь ойларида тайёрланган 24.161 килограмм картошка, 4.325 килограмм тарвуз, 1.572 килограмм анор, 1993 йилнинг 1 февралида ҳам қолдиқ сифатида тургани аниқланди.

Булар мазкур ташкилотда юз бераётган тартибсизликлардан бир шингил, ҳолос. ХТЗП раҳбарлари ва унинг айрим масъул ходимлари ҳозирги иқтисодий қийинчилик вақтида эл-юрт дастурхони тўкинлигига хизмат қилиб, давлат ҳамёнига фойда келтириш ўрнига зиён етказаётганлиги ўз вақтида аниқланди ва улар фаолиятига тегишли баҳо берилди. Яқинда туман давлат назорат қўмитасида ҳам бу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Тайёрлов идорасининг бошлиғи Ш. Эшниёзов, унинг бош ҳисобчиси М. Худойбердиев эгаллаб турган вазифасига нолойиқ деб топилди. Улар ҳамтовоқлари қатори қонун олдида жавоб берадилар.

У. ҚУВОНДИҚОВ,
Узун тумани давлат назорати назоратчиси.
М. БОТИРОВ,
туман радиоси муҳаррири.

• *Сўнмас у кунлар шуҳрати*

УЧИНЧИ УМР

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида Аҳмад Югнакий маҳалласи бор. Маҳалладаги 46-уйнинг 46-хонадонида пиру бадавлат отахон, афсонавий қаҳрамон Матёқуб Саъдуллаев яшайди. Хонадон соҳиби ўзининг меҳмондўстлиги, очиқ кўнгиллиги билан кўпчиликка танилган. Яқин атрофдаги қўшнилари, таниш-билишлари бу ерда тез-тез бўлиб туришади. Уй бекаси Феруза опа ёзган дастурхон атрофидаги суҳбат алламаҳалгача қизийди. Бахтиёр оилани маҳалла-кўй билан ипсиз боғланиб қолганининг боиси бор: бу хонадон маҳалла учун ўзига хос маслаҳатхона вазифасини ҳам ўтайди.

Отахон турмуш қийинчиликларини бошидан кўп ўтказган. Жангу жадалларни кўрган.

Армия сафидан хизматини ўтаб қайтаётган Матёқуб уруш бошлангани ҳақидаги шум хабарни йўлда эшитиб, яна ҳарбий қисмга қайтди.

1943 йили 28-танк корпуси ён томонидаги қўшилмаларнинг ёрдамига таяниб, Харьков шаҳридан душманни нарига анча улоқтириб ташлади. Марра бой берилаётганидан немис босқинчилари саросимада қолишди. Улар махсус режа ишлаб чиқиб, яна қарши ҳужумга ўтдилар. Маррани фақат корпус жангчиларининг кучи билан ушлаб туриш қийин бўлиб қолди. Корпус командири Аржанович чекинишга буйруқ берди. Олдинги маррада фақат зарбдор гуруҳ қолдирилди. Унга гвардиячи старшина Матёқуб Саъдуллаев ҳам киритилганди.

Зарбдор гуруҳ олдинги маррани бир неча соат мустаҳкам эгаллаб турди. Душманнинг зарбасига бардош берди. Бу жангнинг тахминий натижаси корпус қўмондонлигига маълум эди... Шу туфайли чекиниш муваффақиятли тугагач, ҳалок бўлган жангчиларнинг уйларига хат жўнатилди. Жасур жангчи Матёқубнинг отаси Саъдулла аканинг қўлига етиб борган «қора хат» унинг қалбини ларзага келтирди. Тақдирга тан бермасликнинг иложи йўқ эди. Саъдулла ака кўплар қатори ўғлининг маъракасини ўтказди. Бу пайтда Матёқуб госпиталда хушсиз ётарди. Уйига ўлими тўғрисида «қора хат» юборилганлигини соғайганидан сўнг эшитди. Отасининг кўнглини бузишга унинг юраги ботинмади. Хоразмга иккинчи бор «қора хат» келишига Висла дарёси бўйларидаги жангларда унинг қаҳрамонлик кўрсатиб, яна бир бор қаттиқ яралангани сабаб бўлди.

Армия қўмондони ишлаб чиққан жанговар режага мувофиқ зарбдор рота тузилиб, қирғоқни эгаллашга буйруқ берилди. Дарёни ёритиб турган кучли чироқлар ўчиши билан Матёқуб Саъдуллаевнинг бўлинмаси ўзини кўрсатди. Улар Висла дарёсидан биринчи бўлиб сузиб ўтиб, душман истеҳкомига кучли зарба бердилар. Энг аввало ўт очиш нуқталари яксон қилинди. Бу жангда хоразмлик жасур жангчи оғир ярадор бўлиб ҳушидан кетди. Сафдошлари уни ўлдига чиқариб, хотирасига ҳурмат бажо айлашди. Уйига хат йўллашди. Аммо Матёқуб ўлмаган эди. Икки кундан сўнг ўзига келди. Чуқурликдаги мурдалар орасидан амаллаб юқорига чиқиб олди. Дўхтирлар унга шошилинч ёрдам кўрсатишиб, даволашди. Матёқуб соғайгач, яна жангга кирди. Ғалабагача бўлган жанговар йўлни босиб ўтди. Берлиндан соғомон уйига қайтиб келди...

Икки мудҳиш хатни олиб дили пора бўлган Саъдулла аканинг хонадони яна нурга тўлди. Матёқуб Саъдуллаев урушдан сўнг бир неча жойда баракали меҳнат қилди. Кўп йиллар «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб, пенсияга чиқди. Рафиқаси Феруза опа Саъдуллаева билан беш ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга етказди. Ҳозир уларнинг барчаси уйли-жойли бўлишган, ўзидан тинишган, 26 невараси отахоннинг жонига оро киради.

Ўлимларни доғда қолдириб, айни пайтда ўзининг учинчи умрини яшаётган афсонавий қаҳрамон Матёқуб ота Саъдуллаевнинг қадамидан ҳали ҳам ўт чақнайди. Чунки у ҳамиша шундай: дадил яшашга ўрганган.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: Матёқуб отэ Саъдуллаев.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

СОМАЛИ ПОЙТАХТИДА ТУҚНАШУВ

● Сомали пойтахти — Могадишодаги ҳарбий вазият янада кескинлашди. Бу ерда БМТнинг тинчлик сақлаш кучлари генерал Муҳаммад Ойдид жангари гуруҳларига қарши кенг кўламли ҳарбий операциялар олиб бораяпти.

АҚШ мудофаа вазирининг Вашингтонда тарқатган баёнотномасида таъкидланишича, ўтган куни Могодишода Американинг «Блек хок» вертолёти уриб туширилган ва беш нафар ҳарбий ҳалок бўлган. Жанг давомида 20 нафар сомалилик жангарилар асирга олинган.

ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ҚАРОРИ

● «Жаҳон ҳокимлари ядро урушини бартараф этиш учун» халқаро ҳаракати 2000 йилга бориб ер куррасида ядро қуролини бутунлай йўқ қилиш талаби билан чиқди.

Бу ҳақда яқинда Мексика пойтахтида бўлиб ўтган ҳаракатнинг XI конгресси қатнашчилари қарор қабул қилишди.

ТАЛАБ РАД ЭТИЛДИ

● Никарагуада сандиночилар миллий озод этиш фронти раҳбарлари ўнг йўналишдаги миллий муҳолафат иттифоқининг ҳозир иш олиб бораётган парламент ўрнига таъсис ассамблеясини жорий этиб, унга янги сайловлар ўтказиш ҳақидаги талабини рад этдилар.

ПХЕНЬЯН БАЁНОТИ

● ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикаси МАГАТЭ 37-бош анжумани Шимолий Кореядаги ядро масаласи бўйича қабул қилган қарорни рад этувчи баёнот билан чиқди. Баёнотда айтилишича, МАГАТЭ ва унинг котибиятида туриб, халқаро ҳамжамият номидан Шимолий Кореяда ядро назорати ўрнатишни талаб қилаётган ғарбдаги кучларнинг уринишларини Пхеньян рад этади.

Баёнотда, шунингдек, КХДРнинг МАГАТЭ олдидаги халқаро бурчини адо этишга доим тайёр экани ва ядро муаммоси Корея — Америка музокараларидагина ўзининг тез ва адолатли ечимини топиши мумкинлиги таъкидланади.

ҚУРШОВ ДАВОМ ЭТАДИ

● ҚОҲИРА. Исроил истилочи ҳукумати Иордан дарёси ғарбий соҳили ҳамда Ғазо секторидаги қўзғолонларда қатнашаётган ва интифодани қўллаб-қувватлаётган фаластинликларни қуршовга олиш ва қамаш кампаниясини давом эттираверишини маълум қилди.

Оммон радиосининг хабар беришича, Исроил мудофаа вазирлигининг расмий вакили ҳам қидирувдаги ҳамда экстремист гуруҳлар тарафдорлари бўлган фаластинликлар ҳибсга олинишини тасдиқлаган. Мазкур вакилнинг айтишига қараганда, қўпорувчи гуруҳлар жангариларига муносабат бўйича Исроил билан Фаластин озодлик ташкилоти ўртасида ҳеч қандай келишув мавжуд эмас.

ОЗАРБОЙЖОНДАГИ САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

● 3 октябрь куни Озарбойжонда ўтказилган Президентлик сайловида кузатувчи сифатида қатнашган Туркия парламенти аъзолари Озарбойжон миллий мажлиси раҳбари Ҳайдар Алиев Президентликка сайланишига ишонч билдирдилар.

Уларнинг айтишича, Ҳ. Алиев камида 90 фоиздан ортиқ овоз олган бўлиши керак. Айни пайтда Озарбойжон сайлов комиссияси аъзолари сайлов якунлари ҳисоб-китоб қилингунча бу ҳақда ҳеч нарса дея олмасликларини маълум қилдилар.

ХИТОЙГА РАСМИЙ САФАР

● Исроил давлатининг Бош вазири Исҳоқ Рабин Хитой Давлат Кенгаши бошлиғи Ли Пэннинг таклифига биноан 10—14 октябрь кунлари Хитойга келади.

Хитой Ташқи ишлар вазирлигининг хабарига кўра, Исроил билан дипломатия алоқалари 1991 йилнинг охирларида ўрнатилган эди. Шундан буён ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ривожланмоқда. И. Рабиннинг ташрифига қадар Исроил Президенти Хаим Герцог ва ташқи ишлар вазири Шимон Перос Хитойга расмий сафар қилган эди.

ПОЙТАХТ БЕРЛИНГА КЎЧАРМИКИН?

● Германиянинг ва хорижнинг йирик концернлари 1998 йилда мамлакат пойтахтини Боннидан Берлинга кўчиришни таклиф этди.

Жуда катта маблағ талаб қилиши сабабли бу таклифни кўриб чиқиш шу вақтгача орқага суриб келинган эди. Бу гал Концернларнинг раҳбарлари ишлаб чиқилган лойиҳаларга асосан ҳаражатнинг 40 миллиард маркасини ўз зиммаларига олишларини билдирди. Ҳозирча Вазирлар Маҳкамаси бирор тайинли гап айтаётгани йўқ. Ишбилармонлар эса унга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишмоқда.

ФРАНЦИЯ ҲАМКОРЛИК ТАРАФДОРИ

● Америка Қўшма Штатлари Европа Ҳамжамияти билан тузилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси ҳақидаги битим лойиҳасини қайта кўриб чиқишдан бош тортмоқда.

Американинг қарори қатъий эканига ишонч ҳосил қилган Франция раҳбарияти бу масалада яккама-якка суҳбатлашиш учун имконият излаётир. Яқинда Франция Бош Вазири Э. Балладор Америка Президентига шу ҳақда мактуб йўллади. Бироқ ҳозирча бу соҳада ҳеч бир силжиш бўлгани йўқ.

ТУРКИЯ ОРҚАЛИ ЖАҲОН БОЗОРИГА

● Озарбойжоннинг Туркиядаги элчиси Маҳмад Али Наврўз ўғли Озарбойжон ва Марказий Осиё ҳудудида қазиб олинган нефть маҳсулотларини Туркия орқали Оқ денгиз бўйига келтириш ниҳоятда истиқболли эканлиги хусусида сўзлади.

Бу лойиҳа кечи билан 1997 йилда амалга оширилиши керак. Нефть соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка бағишланган махсус семинарда сўзга чиққан Туркия энергия ва табиий манбалар вазири Вайсал Отасўй Боку—Жаҳон нефть қувурини барпо этиш энг долзарб масала эканини айтди. У Марказий Осиё ва Кавказдаги жумҳуриятларнинг нефть ва табиий газ маҳсулотларини дунё бозорига етказишда Туркия ўзига хос кўприк вазифасини ўташини таъкидлади.

янгиликлар воқеалар хабарлар

МИЛЛАТ РУҲИ

БИЗДАН СЎНГ ҲАМ ВАТАН ҚОЛУР

(Суҳбат эссе)

ОДАМЗОДГА ҳали тил ато этмай туриб Оллоҳ унинг кўнглига тасвирлаш, расм чизиш машқини солган экан. Шунданми, болалигида бирон нарсанинг тасвирини чизмаган, қайсидир манзарани акс эттириш, сиймо яратиш иштиёқи бўлмаган киши йўқ.

Санъатда осон йўл йўқ. Ҳар қандай ижодкорнинг бу йўлда фидойи бўлиши талаб этилади. Айниқса, рассомлар... Очиғи, бизда ушбу соҳага қизиқиш кам. Негадир йироқ эллар кўзига суртиб эъзозлайдиган асарларнинг муаллифлари — юртдошларимизни кўпда танимаймиз ҳам.

Аслида улар ҳам бизнинг мақтову-эҳсонларимиздан қочиб юришади. Ҳокисорлик ва камтарликни ёқтиришади. Ҳақиқий маданиятлилик белгиси ҳам шунда эмасми?

Одамнинг кўнгли нозик, деган гап бор. Лекин ўта маданиятли, маънавиятли киши сиз айтмоқчи бўлаётган фикрни олдиндан англайди. Сиз билан сўзингиз эмас, юз-кўзингиз орқали мулоқотда бўлади. Шу боис улар билан тил топишиш ҳам осон, ҳам қийин. Осони — у сиз ўйлаган фикрга ҳамоҳанг жавоб беради, қийини — сиз буни англаб, ҳис этиб қийналасиз... Аммо ҳар гал гўзалликни яратувчилар билан мулоқот сизни уларга ошно қилади-қўяди.

Пешонасига рассомлик қисмати битилганлардан бири Исфандиёр Ҳайдардир. У билан бир дардлашгач, мен ҳам юқоридаги кўйга тушдим. Унинг учун бу қисмат, эътиқод... Балки иқтидорнинг намойишидир?

— Йўқ, ундай ҳисобламайман, — дейди у. — Бу мен учун тақдири азал қисматдир. Болалигимда ҳамма фанлардан аъло ўқирдим. Тилчи домламиз мени адабиётчи бўлади, деб башорат қилса, математикадан дарс берувчи муаллим мендан ажойиб ҳисобчи чиқади, деб ўйларди. Ҳатто падари бузрукворим Синдор Ҳайдаров ҳам ўзи каби тарихчи бўлиб чиқишимни кўзлаган эдилар. Мактабни аълога тугатгач, чизган расмларимни Тошкентга — рассомчилик билим юртига жўнатар эканман, марҳум устозим Сайфиддин Пиримқулов қувончдан ич-ичига сиғмай кетганди...

ИСФАНДИЁР ўзи нимжонгина йигит бўлиб, тенгқурларига кўпам қўшилиб кетавермасди. Табиатан оғирфеъл, аксар ҳаёллар қуршовида юрарди. Назаримда табиатга, она замин гўзалликларига, Ойқор, Туркистон тоғларидаги бетакрор улуғворликка бўлган муҳаббат унинг кўнглига ушбу мўъжизани, ҳам покизалик, ҳокисорликни солгандай.

Ажаб, турғунлик деб аталмиш даврда камтарга кун бўлмади. Бахмалдан келган кишлоқи йигитнинг расмлари Италия, Германиядаги кўргазмаларда юксак баҳолангунига қадар, умуман, ўз имкониятларини рўёбга чиқара олиш даражасига етгунигача бошидан не машаққатли кунлар кечганини ёлғиз ўзи билади. Ётоқма-ётоқ, ижарама-ижара дегандай... Бунинг устига аслиятдан чизиш санъатига эътибор ҳам кам эди. Қирқ бешни қоралаган, истеъдоди тан олинган бу ижодкорнинг бирон нишони ҳам бўлмаса...

— Ҳамза номидаги Давлат мукофотига номзодим кўйилганди. Ишонсангиз, мени ана шу мукофотга сазовор этишмаганидан хурсанд бўлдим. Мени мукофот-у, унвонлар чалғитиши, «бузиши» мумкин эди. Ажойиб дўстим Рауф Парфи номзодим ўтмаганини эшитиб қўнғироқ қилиб қолди: «Табриклайман, буни ювиш керак». Чин дилдан айтилган бу қутловдан қувонганман. Мен ҳеч кимдан хафа ҳам бўлмадим. Фақат ютганим — ижодга яна-да қаттиқ берилдим.

Халқ амалий санъатидан бизнинг ижодкорларимизнинг олдига тушадигани йўқ. 80-йилларда Парижда бўлиб ўтган Бутунжаҳон халқ амалий санъати кўригида Ота Полвонов олтин нишонга лойиқ топилганди. Устага нишондорлик дипломи берилган. Нишон эса бошқа бир кишига бериб юборилган. Орадан йиллар ўтган. Кимдир унга тегиши лозим бўлган нишонни ўзбекистонлик бошқа бир киши олиб кетганини устага маълум қилади. Шунда соддадил ва бағри кенг инсон шундай деган эканлар: «Ҳайрият, Олтин нишон бошқа юртда эмас, Ўзбекистонда экан-ку!»



«Тун». 1980 йил.

Ҳар қалай, бу каби кенгфеъллик ҳам баркамоллик белгиси... Мен ҳозирги ранг-тасвирчи усталарнинг шу кишидан ўрнак олишларини истардим.

Бу унинг чин дилдан айтганлари. Унинг такаббур ўйлардан йироқ табиати, феъл-атворининг ифодаси шу. Ўзи ҳақиқий ижодкор эзгуликка ташна бўлади. Санъаткори, ижодкори кўп юртнинг эса маънавияти ҳам юксак бўлади. Санъат—бу маънавиятнинг бешиги. Санъатнинг мақсади-ю, манфаати юксалиш, ўсишдир. Гап санъатга муносабатимиз хусусида борар экан, Исфандиёр ака худди оғир яраси янгилангандай ҳаяжонга тушди. Бир менга қараб қўяр, бир эндигина тутай бошлаган сигаретани ўчирар ва яна гугурт чақарди.

— Мана бу «Бахмалда ойдин тун» деган картина. Бунга чет элда 30 минг доллар бермоқчи бўлишди. Мен унамадим. Пулини оз деб эмас, бу—бизнинг пулда ўттиз миллион деганим. Ачинганим бу асарнинг четда қолиши эди. Бизда эса шу пайтгача бунақа асарларнинг қиймати йўқ эди.

Яқиндагина илк бор бир юртдошимиз асаримни олиб кетди. Ҳорижга эса иложи борича асарларимнинг иккинчи бор чизилганини беришга ҳаракат қиламан.

Унинг асарлари шахсий бойлик эмас, халқимиз тасарруфидаги мулкдир. У шу боис бу мулкни ўта эҳтиёт қилади. Ахир ўлмас дурдоналаримизнинг қайсидир Оврупо ё уммонорти ўлка музейларига кўрк бериб тургани етар. Афсус, бизда ҳали гумроҳлар кўп. Улар учун қорин ғами—юксаклик, эл юрт—мавҳум гап. Исфандиёр Ҳайдар дил қўри билан яратган асл дурдона асарларга бир неча бор ўғри тушди. Икки марта ҳали авиация билим юрти ётоғида яшаганида, яқинда эса ҳозирги устахонасидан қирқтадан ортиқ ижодий иш олиб кетилган! Исфандиёр акага эса уларнинг моддий қийматининг қизиғи йўқ. У қадрига йиғлайди, холос. Ўз фарзандлари каби ардоқли бўлган картиналар осонлик билан яратилмаган. Тунлар бедор ўтган, неча-неча тонглар уйғоқ қарши олинган. У шунда ҳам бировдан гина қилмайди. Бепарволигига эса шундай изоҳ беради:

— Қадимда бир учига чиққан ўғридан сўрашибди: «Хўш, сенга нима етишмайди? Ўғриликсиз ҳам кунинг бинойидек ўтарди-ку». У эса шундай жавоб қилган экан: «Мен бойникини ўғирлаб, камбағалга тарқатаман. Бунинг нимаси ёмон». Қайсидир маънода «менинг ўғриларим» ҳам «ҳақ». Улар мендаги бойликларга эҳтиёж, ташналик сезганларга етказиб беришади. Яна бир жиҳати, эканлигимизни юзага чиқариш, англаб етиш—менга буюк манфаатдир. Яратган асарларим мени озиқлантиради, улардан лаззат туяман. Бу лаззат менинг манфаатим эмасми?

У табиатан шоир. Ёшлигидан шеър ўқийди. Кўнгли назмга ҳамиша ошно. Ўзи ҳам ёзиб туради. Зўр шоирлар унинг энг яқин дўстлари. Шеърларни эса фақат ўзи учун ёзади.

— Шеърда ҳам ўзига хос гўзаллик бўлади, — дейди у. Табиат қўйнида топган мўъжизаларим аввал ҳаёлимда шеър бўлиб туғилади. Сўнг ўша «дастуриламал»нинг тасвири чизилади. Манзаралардаги муболаға, бўрттиришлар ҳам шеърдаги муболаға, ҳиссиётга қиёсдир. Мафтункор юртимизнинг бетакрор манзараларидан пейзажлар яратиш учун ўйлаб эмас, айнан борлиқдаги ҳолича чиза олиш учун шоирлик жуда-жуда асқотади.

Станислав МАНСУРОВ, коллекционер:

— Ўзбек рассомлари ичида Исфандиёрдек борлиқнинг айнан аксини «ёза» оладигани йўқ. Унинг картиналари қаерда чизилгани, қай бир ҳудудни акс этганини ўзлари ҳикоя қилади. Фарғона манзараларидан Бахмалнинг кўринишларини тезда фарқлай оласиз. Бу ижодкорнинг ҳар бир ўлка тарихи, маданияти, урф-одатлари-ю, қадриятларини чуқур тушуниши самарасидир.

Совет тузуми даврида бир неча бор Ўзбекистон мўйқалам усталари асарлари кўргазмаларини бошқа республикаларда уюштиришда қатнашганман. Бир гал Запорожье шаҳрига 25—30 асарни олиб бордик. Кўргазма очилишигача суратлар музейда сақланиб туриши керак эди. Аммо не кўз билан кўрайликки, Исфандиёрнинг бир картинаси директорнинг хонасига осиб қўйилган эди. Директор тавозе билан мени улар билиб-билмай тарғиб ҳам қилишади. Асарнинг муаллифи мен. Демак, ўғирланган асарни америкалик сотиб олса, энди ўша юртда ҳам Ўзбекнинг Исфандиёр Ҳайдаров деган рассоми борлигини, унинг асарлари Америкада ҳам эъзозга лойиқ топилганлигини билишади... Гарчи ўзимни танишмаса ҳам.

Мўйқалам устасининг бу гапларини шу ҳолича қабул қила олмадим. Назаримда, лоқайдлигимиз, эътиборсизлигимиз бу камбағ-лиги ноўрин ишларга сабаб бўлаётгандек. Устахонадаги ноёб асарлар халққа ҳалоллик билан етиб бормаётган экан, бунга биз ҳам айбдормиз.

Иқтисодиётда эндигина оёққа тураётган юртимизда баъзи одамлар моддият билан бўлиб, маънавиятга қизиқмай қўйишди. Аммо инсон маънан баркамол бўлмаса, моддий жиҳатдан ҳам «тўймайди». Исфандиёр Ҳайдар каби маънавият устунлигини тан олувчилар эса кам. Шу борада гап бошлаб унинг молиявий таъминоти билан қизиқдим. У шунча йилдан буён бирон маҳкамада ишламайди. Эркин ижодкор.

— Очиғи, ҳар қандай соҳада ҳам нуқул келадиган тушумни ўйлаган одам юксала олмайди. Орага бойлик аралашдими, тамом, у ерда фидойилик ҳам йўқолади. Манфаат албатта бўлиши керак, аммо ҳеч қачон бу манфаат фақат моддиятдан иборат бўлмаслиги керак. Кўпинча, чет элнинг бозорини қиёслаб манфаатдорликнинг дурустлиги учун иш ҳам, меҳнатнинг сифати ҳам яхши эканлигини мисол келтиришади. Аммо, санъат деб тушунилар экан, мен ҳар қандай шаклдаги бу ёндошувга қўшила олмайман, менинг меҳнатимдан манфаатим — ўзлигимдир.

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг бир шиорманд гапи бор: «Эл нетиб топгай меникким, мен ўзимни топмасам». Буни ҳурмат маъносида ҳам тушуниш мумкин, яъни мен ўзимни ҳурмат қила олмасам, мени бошқалар ҳам ҳурмат қилмайдилар. Ўзликка етиш, ким эканлигимизни англаш сари интилиш бугун юртимиз учун ҳам айни хос бўлган дарддир. Бу эса сотиладиган нарса эмас. Нимага қодир ушбу асар бу ердагиларни лол қолдиргани ва кўргазма очилгунча ўз тасарруфига олиб турганини айтганида, Тошкентдан борган ижодкорлар ёш Исфандиёрнинг олдида мулзам ҳам бўлишганди ўшанда. Ахир у ёш, ундан кўра таниқли рассомларнинг ҳам асарлари кўргазмага олиб борилган эди-да.

Бизнинг мумтоз тугул, замонавий санъатимизга ҳам кўпда тишимиз ўтмайди. Днепропетровск шаҳридаги кўргазмада мутахассислар Исфандиёр Ҳайдар асарларини XIX аср мумтоз мўйқалам усталари ижодлари сирасига қўшиб ва у билан замондош эканликларидан хурсанд бўлдилар. Унинг кўргазмалари Оврупонинг бир неча мамлакатларида ҳам катта шов-шувлар билан ўтди.

«Тўйдан қайтиш». Мусаввир бу расмни чизганига ўн беш йил бўлаяпти.

— Урушдан кейин Япония жуда оғир аҳволда қолган эди. Иқтисодий инқироз мамлакатни бош берк кўчага киритиб қўйганди. Бугун эса бу давлатдаги тараққиёт дунёни лол қолдириб турибди. Ўша оғир аҳволдан чиқишнинг ягона йўли аввало, ёш авлоднинг тарбиясидан бошланганди. Мана ўша тарбияли, ёш, ҳар соҳада соғлом авлод бугунги Японияни вужудга келтирди. «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилгани ҳам узоқни кўзлаб қилинган пухта қадамдир. Бизда ҳали кўп муаммолар бор. Хусусан, санъатни ёшлигидан ҳар бир инсонга чуқур ўргатиш лозим. Чунки санъатга дахлдор одам ҳамиша маданиятли бўлади. Ундан ёмон фикр чиқмайди, яхшилик ҳамроҳи бўлади.

Бизни юксакларга кўтарган нарса халқ амалий санъатидир. Оддий коса, чойнак каби нарсалар она заминнинг саҳовати. Демак, она табиатни улуғлаш, эъзозлаш керак. Дунёга танитадиган, миллат, халқ сифатида кўз-кўз қиладиган санъатни ривожлантириш — Исфандиёр Ҳайдар ўзига ана шу вазифани мақсад қилиб олган.

У ўзидаги камчиликни тан олади. Хатоси, вақт топиб ижодкорлар билан кўп мулоқотда бўлолмаяпти. Имкон топиб ўз она юрти Бахмалга тез-тез бора олмаяпти. Негадир ҳамма ўз-ўзи билан бўлиб кетаётгандек. Бахмалга, туғилган қишлоғи Юмалоқбошига борганида ҳам юртдошларидан ўзини танимай орқаворотдан Исфандиёрдек юртдошлари билан фахрланиб юрадиганлар «газитда чиқсангиз, бирров «Бахмалданман» деб қўйинг» дейишади.

Унинг кўнглида мудом Ватан шавқи. У Ватанида ватанига тўймайди, унга ўзини тиккан. Ўзлигини ҳам шундан излаган инсон. Ҳофиз Алининг қуйидаги сатрлари гўё Исфандиёр Ҳайдар эътиқодининг ифодаси янглиғ жаранглайди:

Унутилар чанг, тўзонлар,
Оёқ остида ҳазонлар,
Биздан сўнг ҳам Ватан қолур,

Назаримда, бундай қараш ижодкорнинг бахти ҳамдир.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мусаввирнинг нигоҳидаги ҳорғинликдан хулоса шу: бу тонг янги асар туғилди.



Кўҳна ва навқирон туроизаминнинг тарихан мўъжизалари бисёр. Исфандиёр Ҳайдар уларнинг кўпчилигига мурожаат қилиб туради. «Бухоро» [1985 йил] ва «Хива оқшоми» [1991 йил] ана шулар ҳосиласи.



Аббос Бакиров портрети. 1987 йил.

«Бахмалда ойдин тун». Мусаввирнинг дўстлари бу асарни «ижодкорнинг мўъжизаси» деб аташади. Рассом чет эллик мухлисга 30 минг долларга сотмаган асари ҳам шу.

• *Ёднома*

ИЗСИЗ КЕТМАГАН ҲАЁТ

Улуғ Ғуломовнинг номини кўп эшитгансиз. Ўзбекнинг ажойиб шоири Ғафур Ғуломнинг ўғли. Қолаверса, етук физик олим, қомусчи эди.

Ёшлиги оғир қатағон, Ватан уруши, тикланиш даврларига тўғри келди. Шунча азоблар чекса-да, ўқиди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб, Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, 1955 йили муваффақиятли тугатди ва меҳнат фаолиятини бошлади.

Раҳматлик Улуғ аканинг 1955 йилдан то умрининг охирги кунигача бўлган ҳаёти ва фаолияти жумҳуриятимизда физика фанининг ҳам ташкилий-ғоявий, ҳам чуқур илмий ривожи йўлидаги хизматлари билан боғланган.

Унинг ҳақиқий меҳнат фаолияти кичик илмий жамоликдан бошланган. Ва энг мураккаб бўлмиш космик нурлар ва элементар зарралар соҳасида илмий ишлар олиб борган. Сўнгсиз изланишлар ўз самарасини 1961 йилда берди. Ўша йили физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эришди.

1962 йилда жумҳуриятимиздаги ёш ва истиқболли илмий даргоҳ — Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида ядро физикаси бўйича тадқиқотларнинг янада кенгроқ ривожланиши учун зарурат пайдо бўлиб, домлани шу ёққа ишга чақиришди.

Шу йиллар давомида у ЯФИда ҳозирги пайтда муҳим илмий ва тадбиқий натижалар бераётган йирик йўналишларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида бевосита самарали ишлар олиб борди, бевосита институт туфайли юзага келган буюк олим Улуғбек номи билан аталган олимлар шаҳарчасини ривожлантириш истиқболларини амалга ошириб, ўзининг ажойиб илмий мақолаларини ёзди. 1969 йилда эса шу институтга директор этиб тайинланди.

Ўрта Осиёдаги энг катта даргоҳга раҳбарлик қилиш осон эмаслигига қарамасдан Улуғ Ғафуров ўзининг илмий ишларини ва изланишларини ҳаётга татбиқ этди. Ўзбекистон ҳукумати олимлар аҳлининг ва Фанлар Академиясининг тавсиясига кўра, 1970 йилда когерент дифракцион ажралиш жараёнлари борасидаги илмий ишларини жумҳуриятимизда фан соҳасида бериладиган Абу Райҳон Беруний мукофоти билан тақдирлади.

Баён этилган илмий ишлар у кишининг 1972 йилда ёқлаган докторлик диссертациясида ўз ўрнини топди. Орадан бир йил ўтгач профессор унвони берилган бўлса, 1974 йилда эса Ўзбекистон Фанлар Академиясига мухбир аъзо қилиб сайланди.

Ядро физикаси институтига директорлик қилган 1969 — 1978 йилларда институтнинг ва Улуғбек шаҳарчасининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Моддаларда радиация туфайли ўтадиган жараёнлар физикаси, активацион анализ бўйича илмий тадқиқотлар, реактор ички жараёнлари соҳасидаги тадқиқотлар кенг ривожланди. Янги — релятивистик ядролар тўқнашуви йўналишига мамлакатимизда биринчи бўлиб асос солинди. Дунёдаги энг йирик илмий марказлар билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугунги кунда дунёга маълум, радиоизотоплар ишлаб чиқаришга мўлжалланган хўжалик ҳисобидаги корхона — «Радиопрепарат» ташкил этилди. Махсус конструкторлик бюроси ва заводга асос солинди. Шу йилларда у Дубнадаги (Москва вилояти) Бирлашган Ядро тадқиқотлари Халқаро институтининг мукофотига ҳам сазовор бўлди.

70-йилларнинг охирлари жамиятимизда юзага келган турғунлик даврининг энг «қизғин» палласи бўлгани ҳозир ҳаммага маълум. Бу йиллар Улуғ Ғуломов ҳаётида ҳам оғир ва ўчмас из қолдирди: у инсоний ва илмий камолотга, ўта мустақил фикрга эга бўлишига қарамасдан, 1978 йилда кетмакет текширувлардан «чарчатилган» ва безор бўлган ҳолда институт директорлигидан «ўз ҳоҳиши» билан кетишга мажбур бўлди.

Шундан сўнг у ўзи асос солган илмий-йўналиш релятивистик ядро физикаси бўйича лаборатория ташкил этиб, унга бевосита раҳбарлик қилди. 12 йил мобайнида ана шу митти лабораторияда ўтказилган илмий тадқиқотлар дунё миқёсида машҳур бўлди. Бетакрор изланишлар зое кетмади: у 1983 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонига сазовор бўлди. Берклигидаги (АҚШ) юқори энергияли тезлатгичлар илмий Кенгашига аъзо ва атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш бўйича координацион Кенгашга раис ўринбосари этиб сайланди.

1989 йили ватанимизда бўлаётган демократик ўзгаришлар туфайли юқорида номи зикр этилган институтнинг директорлиги лавозимига ўтказилган сайловда Улуғ Ғуломовга яна кўпчилик овоз билан ишонч билдирилди. Лекин минг афсуски, ажойиб ўзбек фарзандига умр вафо қилмади. 1990 йилнинг 15 март куни — 57 ёшида узоқ давом этган оғир касаллик туфайли вафот этди.

Кўнглимизга бир нарса таскин беради: у киши ҳаётдан изсиз кетмади. Бемалол тириклигида ўзига ҳайкал қўйиб кетди десак хато бўлмас. 200 дан кўпроқ илмий мақолалар яратди, 20 дан кўп фан номзоди тайёрлади. Жумҳуриятимиз «Билим» жамияти орқали мунтазам равишда олий ўқув юртларида, мактабларда, меҳнаткаш халқ орасида физика фанининг ютуқлари, экологик муаммолар тўғрисида маърузалар қилди. Матбуот орқали фан ютуқларини тарғиб қилди. У бир қанча махсус диссертациялар ёқлаш бўйича илмий кенгашларнинг раиси ва аъзоси эди. Жумҳуриятимиз физика фани бўйича ойноманинг муҳаррир ўринбосари бўлган. Жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида талабаларга физика фанининг асосларидан сабоқ берган.

Агар Улуғ Ғуломов бугун ҳаёт бўлганида олтмиш ёшни нишонлаб, катта-кичик давраларни тўлдириб юрган бўларди. На илож, тақдирнинг ёзмиши шул экан. Лекин биз ҳалиям у кишининг нафасини, овозини юракларимизда ҳис қилиб юрибмиз.

Р. БЕКЖОНОВ,
академик.
Ш. НОСИРОВ,
катта илмий ходим.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус шаҳридаги «Оптика» дўкони шу кунларда аҳолига яхши хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда одамлар ўзларига керакли барча нарсаларни топа оладилар. Бу борада дўкон мудираси Гуласен Ешимбетованинг ҳиссаси катта. У 1980 йили Тошкентдаги электромеханика техникумининг оптика бўлимини тугатганди. У ўшандан бери шу дўконда ишлаб келади. Унинг хизматидан кўплаб нукусликлар мамнун бўлишаяпти.

СУРАТДА: Гуласен Ешимбетова.

Карам УРОЗОВ олган сурат.

ХУСУСИЙ ҒИШТ ЗАВОДИ

● Жиззах туманининг Сайхон қишлоғида хусусий ғишт заводи ишга туширилди.

Ака-ука Ёрлақабовларнинг жишоати билан қурилган, йилига 5 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш қувватига эга бўлган бу корхонага марҳум падарибузрукворлари — Йўлдош ота номини бердилар.

Корхона дастлабки кунларданоқ суткасига 5 минг донадан зиёд ғишт ишлаб чиқараётир. Агар корхонага табиий газ ёнилғиси уланса, замонавий технологияга асосланган ушбу заводнинг бир кеча-кундузги қуввати 4 баравага ошади.

Бахтиёр РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАХШИЛАР КЎРИГИ

● Кейинги вақтда миллий бадиий санъатимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган таниқли истеъдод эгаларини хотирлаш ва уларнинг ҳурматини жойига қўйишда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Жапақ Шамуротов, Давитбой Каипов, Замира Хўжаназарова Шомурод Жиров, Айтжон Хўжалепесов, Жексимбой Бекмуратовларнинг хотирасига бағишлаб турли тадбирлар ўтказилаётгани бунга далилдир.

Яқинда бахшичилик ихлосмандлари Кегайли туманидаги «Халқобод» давлат хўжалигининг «Ишонқалъа» овулига тўпланишди. Бу ерда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ бахшиси Ешчон Қўспўлатовнинг хотирасига бағишланган Марказий Осиё республикалари бахшиларининг кўриги бўлиб ўтди. Тадбирнинг бу ерда ўтказилиши тасодифий эмас эди. Ешчон бахши шу туманнинг Куйбишев овули ҳудудида туғилиб ўсди, улғайди. Оғаси Қўспўлатдан қўшиқ айтиш сирларини ўрганди. Кейин Шерназар ва Ортиқ бахшиларга шогирд бўлди. Овулларда тўймаъракаларда қўшиқ айтиб халққа танилди. Ешчон бахши 1941 йилда Нукуса, радиокомитетга ишга чақирилди. У бу ерда Жапақ Шомуротов, Кияс Жиров, Шанияз бахши, Жўлдош бахши ва бошқа бахшилар билан танишди ва биргаликда ишлади. Унинг ижро этган «Меҳнат эт», «Сен ёр қол энди», «Сен ёр кетгали», «Идрис», «Меҳнатни суй» каби қўшиқлапарлари томошабинлар кўнглида қолган. Шунингдек, «Юсуп—Аҳмад» достони, «Ғариб ошиқ», «Кирмандали», «Ошиқ Ҳамро» қиссаларини моҳирлик билан ижро этган.

Ешчон бахши Қўспўлатовнинг айтган достонлари, қўшиқлари ихлосмандлари хотирасида ҳамон сақланмоқда. Ўғли Қуронбой отаси изидан бориб, бахшилик санъатини пухта эгаллаб олди. Ҳозир у Қорақалпоғистон давлат телерадиокомпанияси ҳузуридаги «Мухаллас» ансамблида етакчи созанда.

Ишонқалъа бахшилар кўриги қизиқарли ўтди. Ешчон бахши Қўспўлатов ижодиётига бағишланган тадбир қатнашчиларини Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Уббиниёз Аширбеков табриклади. Халқ талантлари мусобақасида қўшни республикалар вилоятларидан ҳам меҳмонлар иштирок этишди.

Мусобақада қатнашган бахшилар ичида Кегайлидан Пирниёз Ўтегенов биринчи, хўжайлилик Менглибой Пирназаров ва Нукус шаҳридан Турғунбой Қаландаров иккинчи ўринни эгалладилар. Чимбой туманидаги Давлатниёз Маматниёзов, Қораўзакдан Ўмирзоқ Худойберганов, Нукус шаҳридан Зиёда Шарипова учинчи ўринни олдилар. Ғолиблар пул ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ТОМОШАЛАР

● Драматург Иброҳим Содиқов қаламига мансуб «Афандининг беш хотини» саҳна асарини бешариқликлар зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Мазкур қувноқ комедияни иқтидорли ёш режиссёр Усмонжон Нажмиддинов саҳналаштирган.

Ўзбек халқининг ўлмас халқ оғзаки ижоди намуналари асос қилиб олинган саҳна асаридаги латифанома безакларни рассом Абдукарим Маҳсумов ишлаган. Комедиядаги асосий ролларни ҳаваскор артистлардан Насибахон Тўрақулова, Муқаддасхон Бердиева, Равшанбек Ҳайдаров, Толибжон Назаров, Элбек Эргашев ва бошқалар ижро этмоқдалар. Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги бу халқ театри жамоаси ҳали мухлисларини янги-янги томошалар билан хушнуд этиш ниятида.

* * *

● Занжирали Мирзатоғ номидаги Кўқон халқ мусиқали драма театри ижодий жамоаси ҳам ўз мухлисларига янги комедияни ҳавола этдилар.

Драматург Ҳайитмат Расулнинг «Куёв» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакл томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Асарни Ўзбекистон халқ артисти Рашидхон Содиқов саҳнага қўйди. Комедия руҳига мос мусиқаларни Рафиқ Аҳмедов танлаган. Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шомурод Ҳакимов, ҳаваскор артистлардан Лобар Маматқулова, Зилола Ҳамидова, Соҳиба Ҳошимова, Юнусали Халилов ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ,
Фарғона вилояти.

БУХОРОДА СИМПОЗИУМ

Бухорода шу мавзуда уч кунлик халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Археология, Тарих институтлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Санъатшунослик институти Россия Фанлар академияси Моддий маданият тарихи институти ва Бухоро вилояти ҳокимлиги бўлишди.

Биринчи марта бундай кенг доирада ўтказилган халқаро симпозиумда Бухоро ва жаҳон маданиятининг ўзаро алоқалари мавзусида 50 дан зиёд маърузалар тингланди. Бундай маърузаларни мамлакатимизнинг ва Ҳамдўстлик мамлакатларининг таниқли олимлари билан бир қаторда Америка Қўшма Штатлари, Англия ва бошқа Оврўпа мамлакатларининг жаҳонга машҳур шарқшунослари ўқишди.

Мухбирингиз симпозиум қатнашчиси Америка Қўшма Штатларининг машҳур Гарвард университети профессори Ричард Мельсон Фрай билан суҳбатда бўлди.

— Бундан қирқ йил муқаддам Бухорода илк марта бўлганимда, — дейди профессор Фрай, — қадимий шаҳар харобалардан иборат эди. Энди бўлса шаҳар қайта яшаргандай бўлибди. Бу мамлакатингизнинг мустақилликка эришгани шарофати, албатта.

Мана шундай халқаро доирадаги анжуманларни кўпроқ ўтказиш, жаҳон маданиятининг қадимий ўчоқларидан бири бўлган Бухорони илм-фан, маданиятнинг марказлардан бирига айлантириш учун ҳамма ишни қилиш керак. Биз, хорижлик шарқшунослар бунга ҳиссамизни қўшишга доимо тайёрмиз...

Нусратилла НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«КОМОЦУ»ЛАР МУРУНТОВДА

⊙ Қизилқум қўйнидаги Мурунтов олтин кони заҳираси, қазиб олинаётган тоғ жинслари жиҳатидан жумҳуриятимиз олтин конлари ичида энг йириги ҳисобланади. Ундан йилига миллионлаб тонна олтин зарралари бўлган маъдан тошлари қазиб олиниб, қайта ишланади.

Демак, Мурунтов кони учун «БелАЗ», «КамАЗ» сингари ўзи тўкар, кўп юк кўтарувчи қудратли машиналар сув билан ҳаводек зарур. Бироқ собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, бозор муносабатларига ўтилиши «паҳлавон» машиналарни ҳам, конларга мўлжалланган ҳайбатли экскаваторларни ҳам анқонинг уруғига айлантириб қўйди.

Наилож, олтинтопарлар хориж билан алоқа қилишга мажбур бўлишди. Бу ўринда Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда Марказий кон бошқармаси раҳбарлари ва мутахассислари ишбилармонлигини алоҳида қайд этмоқ жоиздир. Уларнинг хориждан ишончли шериклар топиши эвазига Мурунтов тилла конида бирин-кетин Американинг «Каттерпиллер», Швейцариянинг «Юклед», Японияннинг «Пико» типидаги йирик ўзи тўкар юк машиналари пайдо бўла бошлади. Яқинда эса яна бир хайрли ишга қўл урилди. Бир йўла 140 тоннагача юк кўтара оладиган, тўла автоматик тарзда бошқарилиши ҳамда «паҳлавонлиги» жиҳатидан «БелАЗ»ни ҳам ортда қолдирадиган «Комоцу» типидаги машиналарнинг дастлабки туркуми келтирилди. Японияда ишлаб чиқарилган бу машиналар ҳозир кондаги энг оғир иш жараёнларида қўл келмоқда.

Йил охригача конда «Комоцу»лар сонини 15 тага етказиш мўлжалланяпти. Нафақат юк машиналари Японядан, шунингдек, катта заҳирага эга бўлган конларда ишлашга мўлжалланган замонавий булдозер ва экскаваторлар ҳам сотиб олинаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР ЙЎЛА УЧ КИТОБ

Беш-олти йил олдин бу китоблар чиқмасди. Негаки, ҳар бир чоп этиладиган китобнинг тепасида қўрқичлар бор эди: тақризчи, муҳаррир, назоратчи, катта муҳаррир, бош муҳаррир... Аммо, барибир эпини қилган устамонлар бу қўрқичларнинг дасти-панжасидан қутулиб кетавериб — йиллар давомида қалин-қалин китобларини чиқариб олаверишди. Мазкур «дурдона»ларнинг аксар қисми то ҳануз дўкон пештахталарида сарғайиб ётибди, ёхуд янгидан «ижодий мева»га айланиш учун муқоваларидан жудо бўлиб, қоғоз фабрикаларига жўнатилди. Хўш, бу гаплардан муддао не? Қўлингизда жажжигина китобнинг қадрини кўтаришми? Йўқ. Муаллифни мақташми? Асло. Муаллиф билан унинг асарини икки-учта маддоҳ эмас, китобхон баҳоласин, чин баҳосини эса фурсат ила давр берсин. Мен бу кўҳна гапни такроран айтмоқчиман, холос. Дунёдаги энг ёмон ёвузлик одамни хўрлаш, камситиш, ҳаттоки ўлдириш ҳам эмас, билъакс унинг бўғзидаги сўзини бўғиш, тилини қурмаклаб боғлаш бўлса, эҳтимол. Ё фалак инсон зоти кўкрагини тешиб юборгудек бир дардини айтмоқчи бўлса-ю, бошқа бир қўрқичи — одам, йўқ, сен дардингни айтмайсан, айттирмайман, деб турса...». Бу жумлалар севимли ёзувчи Саъдулла Сиёевнинг хатирчилик, узоқ йиллардан бери тижорат билан шуғулланувчи, энг муҳими ёзувчиликка даъвоси йўқ, аммо ёзмаса, атроф-муҳитдаги воқеаларга муносабат билдирмаса ҳовури босилмайдиган ижодкор Салоҳиддин Солиевнинг «Тоғасига ўхшайди» ҳикоя ва шеърлар тўпламига ёзилган сўзбошидан олинди.

Тўпламдаги ҳар бир ҳикоянинг ўз юки бор. Ёзувчи ўз дилидагини, ўзгалар фикрини сўзамоллиик билан ифодалаган.

Ижодкорнинг «Интизорман» қиссалар, ҳикоялар ва шеърлар мажмуасини китобхонлар илиқ қарши олишди. «Интизорман» қиссасида бош қаҳрамон Эргаш орқали отаона меҳрига ташна қалб нидолари билан танишсангиз, «Мардлик» қиссасида Назиржон тимсолида ҳақиқат доимо тантана қилишининг гувоҳи бўласиз.

«Умр савдоси» воқеий қисса кечмишлар дафтаридир. Унда икки куч кураши тасвир этилган. Булар орқали лагбардор, мансабпараст шахслар юзидаги ниқоб йиртилади. Ҳар учала китоб ҳам муаллиф ҳисобидан Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган. Тўпламларга М. Йўлдошева муҳаррирлик қилган.

Юнус ЗИЁДОВ.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тоқусидир!*

ПОРАХЎР ТЕРГОВЧИЛАР

«Қилмишни қози қилса, додингни кимга айтасан», деганларича бор. Ҳар қалай бу сўзларни ҳозирги кунда ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётган айрим мутасаддиларга дахли йўқ дейиш қийин. Албатта, бундайлар орасида ички ишлар хизмати ходимлари ҳам борлиги ачинарли ҳол. Хусусан, икки терговчининг «иши» ҳам шундан далолат.

«Қаҳрамонлар» билан танишинг: Виктор Новиков — катта терговчи, Вадим Приходько — терговчи, Ҳар иккови ҳам Тошкент «Жанубий» темир йўл шоҳбекати транспорт ички ишлар бошқармасининг тергов бўлими ходимлари. Бу нусхалар нафс балосига йўлиқишди. Воқеа бундай бўлганди.

Ўғирликда гумон қилиниб, ушлаб келтирилган Марат Богданов билан дастлаб катта терговчи В. Новиков суҳбатлашди. У айбдорга: «ҳоҳласам қаматаман, ҳоҳласам... қўйиб юборишим ҳам мумкин», деди. Кейин мақсадга кўчиб қўя қолди:

— Пулдан чўзсанг... жиноий жавобгарликдан озод қилиб юбораман.

Катта терговчининг бу гапидан Марат ўнғайсизланди. «Нафси ўпқон экан. Ётиб қолгунча, отиб қолиш керак», деб ўйларди Марат. Терговчининг ўзи яна жонига оро кирди.

— Бўлмаса уйингга телефон қил. Ота-онангга айт, пул келтиришсин, — деб хизмат телефонини унинг олдига суриб қўйди.

Бундан хабар топган ота ночор Нукусдан Тошкентга етиб келди. Бу пайтда тергов иши Приходько қўлида эди.

— Ўғлингиз босқинчилик ва наркотик модда сақлашда айбланяпти, — дейишди терговчилар. — Лекин биз болангизга ёрдам беришимиз мумкин. Фақат келишишимиз керак...

— Эшитаман, — деди ота сал тетикланиб.

— Биласиз, мингта сизбиздан битта жиз-биз яхши. Энди... «қуруғидан» чўзасиз-да.

— Хўп, қанча!?...

Айтишди. Ота келишилган пулнинг ярмига яқинини милиция бўлимига олиб борди. Терговчилар қолганини ҳам тезроқ олиб келишни тайинлашди. Эртасига улар Маратнинг опасидан пул олишди. Бу гал кўчада.

Қаранг, кимсан — терговчи, айтгани-айтган экан-да. Вақтни ҳам бой беришмайди-я. Богдановлардан пора сифатида олинган пулларга иккита ошхона гарнитур-мебели ундиришга улгурдилар. Энди уларнинг илинжи «қуруғи»нинг қолганини ҳам тезроқ қўлга киритиш эди.

Ота ҳам бир сўзли экан, яна «Жанубий» шоҳбекат транспорт милиция бўлимига борди. Приходько билан учрашди. Ўғлининг иши билан қизиқди.

— Новиков айтган «нақа»нинг қолганини олиб келдингизми?

— Икки кундан кейин олиб келаман...

Шу ерга келганда ишнинг «миси» чиқиб қолди. Чунки суҳбат магнит тасмасига ёзилаётганди.

Ушбу учрашувдан сўнг орадан икки кун ҳам ўтиб, қария пул билан тўғри Новиковнинг хонасига кирди.

— Олиб келдим, — деди Богданов.

— Ташла, — сейфга ишора қилди у.

Ташлади. Лекин буниси гувоҳлар олдида бажарилди. Терговчилар шу тариқа қўлга тушишди. Уларнинг ранглари ўчиб, лом-мим демай турардилар.

Ҳа, айбдорлар қонун олдида жавоб беришди. Тошкент шаҳар судининг аъзоси Жўрабой Ғайбуллаев раислигида мазкур жиноий иш кўриб чиқилди. Суд В. Новиковни 11 йилга, В. Приходькони 8 йилга ҳукм қилди. Уларга тегишли молмулк мусодара этилди. Республика Олий суди эса ҳукмни ўзгартишсиз қолдирди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЗИНГЕР»

«АҚАТЕКС» ТЕКСТИЛСАНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД ЎЗБЕК—ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Сизнинг хизматингизга дунёга машҳур бўлган тикув ва тўқув машиналарини таклиф этади:

- Тўқув машинаси — Зингер КМ 610
- Тикув машинаси — Зингер супер у окназ
- Тикув машинаси — Зингер феличита
- Пресс дазмоли
- Оверлок 3 ва 5 ипли

Сизда биз билан ҳеч қандай қийинчиликлар бўлмайди!

Ўзбек, турк, инглиз тиллари ва компьютерни билувчи КОТИБАни, камида беш йил иш стажли БОШ БУХГАЛТЕРни, тўқув ва тикув машиналари бўйича МУҲАНДИС-ТЕХНОЛОГни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 68-84-80, 68-24-18.

Факс: (3712) 68-86-39.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Қашқадарё давлат почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхонаси (бирлашмаси) жамоаси Яккабоғ тумани матбуот тарқатиш уюшмасининг собиқ бошлиғи Асадулла Рўзиевга отаси

Абдулла РУЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 4-44-62;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Самарқандда — 35-22-90;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда — 6-72-60;
Навоийда — 3-74-76; Термизда — 2-23-01;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—583. № 183. топширилди — 20.00
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, Ш. СУЛТОНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:

700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.